ДАВЛАТ АКТИВЛАРИНИ БОШҚАРИШ АГЕНТЛИГИ
UzSAMA
STATE ASSETS MANAGEMENT AGENCY

# ДАВЛАТ ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАРНИНГ 2024 ЙИЛДАГИ ФАОЛИЯТИ НАТИЖАДОРЛИГИ ВА ДАВЛАТ МУЛКИДАН ФОЙДАЛАНИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА ЙИҒМА ҲИСОБОТ

**2025 йил, август**

Мундарижа


**Кириш** ..... 5

**I. ДАВЛАТ АКТИВЛАРИ АГЕНТЛИГИ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ** ..... 7

1.1. Давлат активлари агентлиги ҳақида умумий маълумот ..... 7

1.2. Давлат активлари агентлигининг асосий устувор йўналишлари ..... 8

1.3. Ҳисобот даврининг муҳим воқеалари ..... 8

**II. ДАВЛАТ ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАРНИ БОШҚАРИШ ВА ИСЛОҲ ҚИЛИШ СТРАТЕГИЯСИ** ..... 20

2.1. Стратегия тўғрисида маълумот ..... 20

2.2. Стратегияни амалга ошириш ҳолати ..... 21

**III. ДАВЛАТ ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАР ВА УЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ** ..... 27

3.1. Давлат иштирокидаги корхоналар сони ..... 27

3.2. Давлат иштирокидаги корхоналарда акциядор (иштирокчи, мулкдор) функциясини бажарувчи органлар ..... 29

3.3. Давлат иштирокидаги корхоналарнинг йиғма кўрсаткичлари. 30

3.4. Давлат иштирокидаги корхоналарнинг капитал бозоридаги иштироки ..... 42

3.5. Давлат иштирокидаги корхоналарнинг акцияларини IPO ва SPO орқали жойлаштириш ..... 43

3.6. Халқаро кредит рейтинглари ва ESG рейтингларни олган корхоналар ..... 44

3.7. Молия-хўжалик фаолияти кўрсаткичлари кўрсатилган йирик корхоналар ..... 48

“ЎЗБЕКНЕФТГАЗ” АЖ ..... 49

“ОЛМАЛИҚ КМК” АЖ ..... 54

“ИССИҚЛИК ЭЛЕКТР СТАНЦИЯЛАРИ” АЖ ..... 60

“O‘ZBEKISTON MILLIY ELEKTR TARMOQLARI” АЖ ..... 63

“ЭЛЕКТРОН ОНЛАЙН-АУКЦИОНЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ” АЖ ... 65

“ЎЗБЕКГЕОФИЗИКА” АЖ ..... 68

“ЎЗБЕК ГЕОЛОГИЯ ҚИДИРУВ” АЖ ..... 72

“ЎЗКИМЁСАНОАТ” АЖ ..... 75

«ЎЗБЕКГИДРОЭНЕРГО» АЖ ..... 79

“ҲУДУДГАЗТАЪМИНОТ” АЖ ..... 81

“NAVOIYAZOT” АЖ ..... 85

“ЎЗАВТОСАНОАТ” АЖ ..... 90

"ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ" АЖ .................... 92
"UZBEKISTAN AIRWAYS" АЖ .................... 95
"ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР МАРКАЗИЙ ДЕПОЗИТАРИЙСИ" АЖ ... 97
"ЎЗАГРОЛИЗИНГ" АЖ .................... 101
"ТОШШАҲАРТРАНСХИЗМАТ" АЖ .................... 107
**IV. ДАВЛАТ ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАРНИНГ БОШҚАРУВ ВА НАЗОРАТ ОРГАНЛАРИ** .................... 112
4.1. Акциядорлар (иштирокчилар, мулкдорлар) умумий йиғилиши натижалари .................... 112
4.2. Кузатув кенгаши таркиби .................... 112
4.3. Ижроия органи тайинланиши ва таркиби .................... 112
**V. ЗАМОНАВИЙ КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ УСЛУБЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ** .................... 114
5.1. Давлат иштирокидаги корхоналар кузатув кенгашига ўтказилган танлов натижалари .................... 114
5.2. Давлат иштирокидаги корхоналар веб-сайти ҳолати .................... 114
5.3. Ички аудит, Комплаенс хизмати ва Кузатув кенгашлари қошидаги қўмиталар .................... 116
5.4. Давлат иштирокидаги корхоналар учун янгиланган Корпоратив бошқарув қоидалари ва Ахлоқ кодекси .................... 117
**VI. Давлат иштирокидаги корхоналар сонини қисқартириш ҳолати** .................... 119
6.1. Қайта ташкил қилинган ва тугатилган корхоналар .................... 119
6.2. Хусусийлаштирилган корхоналар, хусусийлаштиришдан тушган тушумлар .................... 119
6.3. Давлат иштирокидаги корхоналар бўйича таклифлар .................... 121
**VII. ДАВЛАТ МУЛКИНИ ИЖАРАГА БЕРИШ ТЎҒРИСИДАГИ МАЪЛУМОТЛАР** .................... 124
ИЛОВАЛАР .................... 126
ИЛОВА - 1. ДАВЛАТ ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАРНИНГ АКТИВЛАРИ .................... 126
ИЛОВА - 2. ДАВЛАТ ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ .................... 128
ИЛОВА - 3. ЖОРИЙ КРЕДИТОРЛИК ҚАРЗДОРЛИКЛАРИ МАВЖУД КОРХОНАЛАР ОРАСИДА ЭНГ КЎП ҚАРЗДОРЛИКЛАРИ БЎЛГАН КОРХОНАЛАР .................... 130
ИЛОВА - 4. ДАВЛАТ ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАРНИНГ ДАРОМАДЛАРИ .................... 131

ИЛОВА - 5. ДАВЛАТ ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАРНИНГ ДАРОМАДЛАРИ ҲУДУДЛАР КЕСИМИДА ........................................ 133
ИЛОВА - 6. ДАВЛАТ ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАРНИНГ ЖАМИ ХАРАЖАТЛАРИ ........................................................................ 134
ИЛОВА - 7. ДАВЛАТ ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАРНИНГ ҲУДУДЛАР КЕСИМИДА СОФ ФОЙДА/ЗАРАРЛАРИ ..................... 135
ИЛОВА - 8. ЗАРАР КЎРИБ ИШЛАЁТГАН КОРХОНАЛАР ТАРМОҚЛАР КЕСИМИДА ........................................................................ 136
ИЛОВА - 9. 2024 ЙИЛГА МЎЛЖАЛЛАНГАН СОҒЛОМЛАШТИРИШ БЎЙИЧА “ЙЎЛ ХАРИТАЛАРИ” МАҚСАДЛИ КЎРСАТКИЧЛАРИ ҲУДУДЛАР КЕСИМИДА ........................................................................ 137
ИЛОВА - 10. ДАВЛАТ ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАР ТОМОНИДАН ТЎЛАНГАН ДИВИДЕНДЛАР ҲУДУДЛАР КЕСИМИДА ........................................................................ 138

# Кириш

***“Сўнгги йилларда иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартириш, давлат мулкини хусусийлаштириш орқали хусусий сектор улушини ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш учун шароит яратиш, самарасиз ишлаётган ва истиқболсиз корхоналарни тугатиш юзасидан тизимли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.”***

***Шавкат Мирзиёев,***
***Ўзбекистон Республикаси Президенти***

Ўтган 2024 йил мамлакатимиз иқтисодиётида давлат иштирокини қисқартириш, давлат мулкидан самарали фойдаланиш, хусусий сектор учун тенг рақобат муҳитини яратиш ҳамда самарали корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш борасида муҳим ислоҳотлар давом этган йил бўлди.

Хусусан, давлатимиз Раҳбари ва Ҳукумат томонидан белгилаб берилган топшириқларга мувофиқ давлат иштирокидаги корхоналар сонини **қисқартириш**, сақлаб қолиниши кўрсатилган корхоналарни **бозор иқтисодиёти** талабларига мослаштириш, **корпоратив бошқарувнинг** замонавий услубларини жорий қилиш, самарасиз ва **истиқболсиз активлардан воз кечиш** ва **хусусийлаштириш** бўйича белгиланган вазифалар изчил амалга оширилди.

Ўтган йилда давлат мулкини хусусийлаштириш соҳасини тартибга солувчи муҳим қонунчилик ҳужжати – Ўзбекистон Республикасининг **“Давлат мулкини хусусийлаштириш тўғрисида”ги Қонуни** қабул қилиниб, кучга кирди.

Мазкур ҳужжатда белгиланган ҳуқуқий асослар соҳада очиқлик ва шаффофликни таъминлашга, давлат мулкидан самарали фойдаланишга ва бозор муносабатларини жорий этишга хизмат қилмоқда.

Шу ўринда, юқорида қайд этилган ислоҳотларни амалга оширишнинг қуйидаги асосий натижаларини таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ҳисобот йили якунига келиб, давлат иштирокидаги корхоналар сони 2021 йил бошига нисбатан **67 фоизга** қисқартирилди.

Хусусан, 2024 йилда тегишли хусусийлаштириш дастурларига асосан **23,4 трлн сўм**лик **3,7 минг**дан ортиқ активлар савдога чиқарилган бўлиб, **3 158 та** (**2 943 та** давлат ва давлат иштирокидаги корхоналар активларнинг активлари, **215 та** ер қаридан фойдаланиш ҳуқуқи ва **2 943 гектар** ер участкалари) активлар **17,4 трлн сўмга** сотилиши ва хусусийлаштириш жамғармасига **9,8 трлн сўм тушум тушган.**

Булар жумласидан, “**Миллий банклараро процессинг маркази**” **АЖ**, **“Uz-Koram Kompani” МЧЖ** ва **“Interhotel” МЧЖ** каби йирик активлар хусусий секторга ўтказилди.

Шу билан бирга, илк бор **“Халқ IPO”** лойиҳаси амалга оширилиб, “O'zbekiston Respublika Tovar-Xom Ashyo Birjasi” АЖнинг **4,4 фоиз** давлатга тегишли акциялари иккиламчи таклиф (SPO) орқали сотиш учун обуна эълон қилиниб, **12,6 минг**дан зиёд жисмоний ва юридик шахслар томонидан **46,6 млрд** сўмлик талаблар келиб тушди. Шулардан **11 234 нафар** жисмоний ва **64 та**.юридик шахсларнинг **42,9 млрд** сўмлик талаблари қаноатлантирилди.

Агентлик томонидан давлат иштирокидаги корхоналарда корпоратив бошқарувни такомиллаштириш, халқаро стандартларга асосланган ҳисобдорликни жорий қилиш, кузатув кенгашларига профессионал аъзоларни танлов асосида жалб қилиш ишлари амалга оширилмоқда. Корхоналар бошқарув органлари фаолиятида Scorecard ва KPI тизими асосида баҳолаш амалиёти йўлга қўйилди.

Йиғма ҳисобот ушбу фаолият натижаларини акс эттирувчи муҳим таҳлилий ҳужжат ҳисобланади. Унда давлат иштирокидаги корхоналарнинг сони, молиявий ҳолати, даромадлари ва солиқ тушумлари, кузатув кенгашлари ва ижро органлари фаолияти ҳамда хусусийлаштириш натижалари ҳақида маълумотлар ўз ифодасини топган.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, давлат активлари – бу халқ мулкидир. Шу сабабли уларни самарали бошқариш, очиқ ва ҳисобдор тизимни таъминлаш Агентлик зиммасидаги устувор вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорларига асосан ишлаб чиқилаётган, 2026 – 2030 йилларга мўлжалланган янги стратегия доирасида ҳам Давлат активларини бошқариш агентлиги давлатнинг иқтисодиётдаги улушини қисқартириш, активларни бошқаришни рақамлаштириш, корхоналарда бозор механизмларини жорий этиш ва хусусийлаштириш жараёнларини янада жадаллаштиришга эътибор қаратиб боради.

Мазкур ҳисобот барча манфаатдор томонлар, жумладан давлат органлари, инвесторлар, тадқиқотчилар ва жамоатчилик учун фойдали ахборот манбаи бўлишига ишончим комил.

***А.Ж. Ортиков***

***Давлат активларини бошқариш агентлиги директори***

# I. ДАВЛАТ АКТИВЛАРИ АГЕНТЛИГИ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ

## 1.1. Давлат активлари агентлиги ҳақида умумий маълумот

Давлат активлари агентлиги тарихи мамлакат мустақиллигининг илк йилларига тўғри келади.

Дастлаб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 10 февралдаги ПФ–337-сон Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва хусусийлаштириш қўмитаси ташкил этилган.

Кейинчалик, 1994 йилда Ўзбекистон Республикасининг Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси сифатида қайта ташкил этилган.

Шунингдек, ўтган давр мобайнида мамлакатда олиб борилганислоҳотлар жараёнида Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси фаолияти такомиллаштирилиб, бир неча марта қайта ташкил этилган.

Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича **Ҳаракатлар стратегияси** ва Ўзбекистон Республикаси **Маъмурий ислоҳотлар концепциясида** белгиланган мақсадлардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 январдаги ПФ–5630-сон Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси қайта ташкил этилиши натижасида Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги тузилди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 январдаги “Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–14-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида **“Давлат активларини бошқариш агентлиги фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги Президент қарори *(ПҚ-101, 24.03.2023й)*, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг Агентлик фаолиятини тартибга солувчи 2024 йил 11 январдаги 23-сон қарори қабул қилинди.

**Давлат активлари агентлиги тузилмаси** марказий аппарат ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаларидан ташкил топган.

Шунингдек, Давлат активлари агентлиги тузилмасига Давлат мулки объектларидан самарали фойдаланиш маркази *(14 та ҳудудий бошқармалари билан)*, “Электрон онлайн-аукционларни ташкил қилиш маркази” АЖ, Хусусийлаштириш ва давлат активларини бошқариш

муаммоларини ўрганиш маркази ва Бино ва мол-мулкларни вақтинчалик сақлаш дирекцияси киради.

Ҳозирда, Давлат активлари агентлиги тузилмасида жами **585 нафар** ишчи ходимлар фаолият юритади, шундан марказий аппаратда **139 нафар**, ҳудудий бошқармаларда **264 нафар**, тизим ташкилотларида **197 нафар**.

Давлат активлари агентлиги давлат мулкини бошқариш ҳамда хусусийлаштириш соҳасида **ягона давлат сиёсатини юритувчи ваколатли давлат бошқарув органи ҳисобланади.**

## 1.2. Давлат активлари агентлигининг асосий устувор йўналишлари

Давлат активлари агентлигининг **асосий устувор йўналишлари:**

1. Давлат активларини бошқариш ва хусусийлаштириш бўйича ваколатли давлат органи сифатида ягона давлат сиёсатини юритиш.

2. Давлат активларини очиқ ва шаффоф хусусийлаштириш орқали уларнинг иқтисодиётдаги улушини муттасил қисқартириб бориш, хусусийлаштириш тартиб-таомилларини соддалаштириш.

3. Давлат мулки ҳисобини юритиш, бошқариш ва хусусийлаштириш ҳамда тўловга қобилиятсизлик жараёнларини тўлиқ рақамлаштириш.

4. Давлат улуши 50 фоиздан юқори бўлган хўжалик жамиятлари ва давлат унитар корхоналарини ислоҳ қилишда иштирок этиш, уларда самарали дивиденд сиёсатининг юритилишини мувофиқлаштириш, корхоналарнинг операцион самарадорлигини ошириш, харидлар ҳамда инвестиция лойиҳаларининг самарадорлигини ошириш.

5. Давлат мулкидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва бу тўғрисида жамоатчиликни хабардор қилишнинг мутлақо янги тизимини жорий этиш.

6. Баҳоловчи ва риэлторлар хизматини сертификатлаштириш, уларнинг фаолиятини ривожлантириш чораларини кўриш.

7. Тўловга қобилиятсизлик ишлари бўйича давлат сиёсатини амалга ошириш.

## 1.3. Ҳисобот даврининг муҳим воқеалари

### Давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш

Давлат активлари агентлиги давлат мулкини бошқариш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширувчи ваколатли давлат органи сифатида давлат иштирокидаги корхоналарни самарали бошқаришни

ташкил этиш ва уларда замонавий корпоратив усулларини жорий этишга қаратилган қуйидаги амалий ишлар олиб борилган:

**1.** Давлат иштирокидаги корхоналарнинг кузатув кенгаши таркибига давлат улуши бўйича номзодларни танлаб олиш Комиссиянинг қарорлари билан давлат иштирокидаги **63 та** корхоналарнинг кузатув кенгаши таркибига давлат улуши бўйича номзодларни кўрсатиш учун махсус веб-портал (www.cns.davaktiv.uz) орқали танловлар ўтказилди.

Мазкур танловларда иштирок этиш учун **140 нафар** аъзолик ўринларига жами **828 нафар** талабгорлардан аризалар келиб тушган. Ушбу талабгорлардан давлат улуши бўйича **73 нафари** танлаб олиниб, корхоналарнинг бошқарув органларида кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун илгари сурилди.

**2.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 24 мартдаги ПҚ–101-сон ҳамда 2024 йил 19 апрелдаги ПҚ–163-сон қарорлари талабларидан келиб чиқиб, **Осиё тараққиёт банки** ҳамда **Европа тикланиш ва тараққиёт банки** экспертлари билан биргаликда ишлаб чиқилган **Давлат иштирокидаги корхоналар учун корпоратив бошқарув қоидалари** ҳамда **Ахлоқ кодекси** ҳисобот даврида **58 та** давлат иштирокидаги корхоналар бошқарув органларининг қарорлари қабул қилиниб, уларнинг фаолиятига татбиқ қилинди.

**3.** Ҳукуматнинг тегишли қарорларига *(Вазирлар Маҳкамасининг 800-, 350-, 139-сон ва бошқалар)* асосан давлат иштирокидаги **1 253 та** корхоналардан **940 та**си тугатилган ва қолган **312 та**си бўйича тугатиш ишлари давом эттирилмоқда.

Тегишли хусусийлаштириш дастурларига асосан **443 та** акция пакетлари (улушлари) Давлат активлари агентлигига ўтказилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 19 апрелдаги ПҚ–162-сон қарори ҳамда Хусусийлаштириш Давлат комиссиясининг 2024 йил 18 майдаги баёнига асосан “Ўзавтосаноат” АЖнинг масъул раҳбар ходимларига “Ўзавтосаноат” АЖ ва унинг тизим корхоналаридан Давлат активлари агентлигига ўтказилган **13 та** корхоналардаги давлат улушларини хусусийлаштирилгунга қадар бошқариш ваколати ишончнома асосида берилди.

**4. Давлат активларини самарали бошқаришни ташкил этиш йўналишида:**

**а) 1 653 та давлат иштирокидаги** *(тугатиш жараёнида, фаолиятсиз, банкрот, ҳисобот топширмаганлардан ташқари)* корхонадан **1431 та**си 2024 йил якуни бўйича солиқ органларига ва “Давлат мулки” сайтига ҳисобот тақдим этган *(шу жумладан 24 та йирик стратегик корхона)*. Шундан:

**- соф тушум** ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **750 та** корхонада кўпайган ва **359 та** корхонада **камайган.**

**- таннарх** ўртача **15,0%**га камайган *(йирик **6 та** корхонада ошган).*

**- соф фойда** ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **461 та** корхонада кўпайган ва **296 та** корхонада **камайган,** шунингдек, **367 та** корхона **14,0 трлн** сўм **зарар** кўрган *(ўсиш-**232,3%**).*

- **бюджетга** тўловлар **162 та** корхонада камайган *(6 та йирик корхона)*.

- **жорий кредитор қарздорлик** **635 та** корхонада кўпайган *(**11 та** йирик)*.

- **дебитор қарздорлик** **529 та** корхонада кўпайган *(**8 та** йирик)*.

**б) 119 та** давлат иштирокидаги корхона томонидан **1 311,8 млн доллар** миқдорида **импорт қилинган** (*ўтган йилга нисбатан камайиш — **28,0** %*).

Бунда, **импорт ҳажмининг асосий** қисми машинасозлик ва электротехника – **11,56** %, банк ва молия ташкилотлари — **28,5**%, нефт-газ-**16,5 %,** металлургия — **9,3%,** энергетика — **10,81**%, йўл-транспорт — **13,3** %, ахборот технологиялари — **1,8** % ва бошқа соҳаларга тўғри келади.

**д) 79 та** давлат иштирокидаги корхона томонидан **1 002,8 млн доллар** товарлар экспорт қилинган бўлиб, ўтган йилга нисбатан **17 фоизга** камайган *(ишлар ва хизматларсиз)*.

**е)** 2023 йилда **зарар кўрган ва иқтисодий таваккалчилик ҳолатида** *(паст рентабелли, тўлов қобилиятини йўқотган ва молиявий риск)* якунлаган давлат иштирокидаги **120 та** корхонани молиявий соғломлаштириш бўйича 2024 йилга мўлжалланган “Йўл харита” дастурлари ишлаб чиқилиб, тасдиқланган.

Шунга кўра, “Йўл харита” дастурларининг **2024 йил якунлари** бўйича ижроси корхоналар томонидан kpi.davaktiv.uz сайтидаги “соғломлаштириш” модулига киритилган маълумотлар асосида мониторинг қилиниши натижасида:

**106,7 трлн сўм** маҳсулот (товар, иш ва хизматлар) ишлаб чиқариш ҳажми прогноз қилинган, амалда **108,2 трлн сўмни** *(101,4%);*

**9,1 трлн сўм** жалб этилган инвестициялар прогноз қилинган бўлиб, амалда **13,5 трлн сўмни** *(147,7%);*

**11,2 трлн сўм** соф фойда прогноз қилинган, амалда **4,0 трлн сўм** *(36%)* ташкил этган.

**5.** “**Давлат мулки”** автоматлаштирилган ахборот тизими билан Мажбурий ижро бюроси *(хатланган ва тақиқ қўйилган мол-мулк),* Давлат солиқ қўмитасининг *(дивидендлар),* Инвестициялар ва ташқи

савдо вазирлиги *(давлат иштирокидаги корхоналарида инвестиция лойиҳалари),* Миллий статистика қўмитаси ҳамда Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ахборот тизимларига **интеграция қилинди**.

**6.** "Давлат мулкини бошқариш тўғрисида" ҳамда "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунлар талабларидан келиб чиқиб, Давлат активлари агентлиги иштирокидаги давлат улуши устувор **32 та** корхоналар бошқарув органларининг қарорлари билан ижроия органига танлов ўтказилиши бўйича қарорлар қабул қилиниб, ижроия органидаги **35 та** аъзолик ўрнига янги раҳбарлар тайинланди.

Давлат иштирокидаги йирик корхоналарга мустақил аъзоларни жалб этиш мақсадида **38 та** йирик корхоналарга **79 нафар** мустақил аъзоларни жалб қилиш масаласи **Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган**.

Шунга кўра, "Strikitsa Consulting" Лтд. томонидан **38 та** йирик корхоналарга жалб этиш учун малакавий талабларни инобатга олган ҳолда **99 нафар** номзодлар **қисқа рўйхати (short list)** шакллантирилган бўлиб, уларнинг ичидан **79 нафар** мустақил аъзоларни **танлаб олиш таклиф этилган**. Бугунги кунда, **24 та** йирик корхоналарга **44 нафар** хорижий мустақил аъзолар жалб этилди.

## Давлат активларининг ҳисобини юритиш ҳолати

Давлат мулки ва давлат иштирокидаги корхоналар ҳисобини юритиш property.davaktiv.uz ахборот тизими орқали амалга оширилади. Давлат иштирокидаги корхоналар 2025 йил 1 январь ҳолатига **2 148 та**ни ташкил этди.

Давлат иштирокидаги корхоналарнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли *(жами – **30 062 та**)*:

- акциядорлик жамиятлари – **258 та** *(25 фоизгача – 38 та, 25-50 фоизгача – 48 та, 51-99 фоизгача – 133 та, 100 фоиз – 39 та)*;

- масъулияти чекланган жамиятлар – **1 440 та** *(25 фоизгача – 115 та, 25-50 фоизгача – 123 та, 51-99 фоизгача – 627 та, 100 фоиз – 575 та)*;

- давлат унитар корхоналари – **450 та;**

- давлат муассасалари – **27 914 тани ташкил этади.**

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 8 майдаги 273-сон қарори билан тасдиқланган низомга асосан **27 914 та** давлат ташкилотларининг **23 431 таси** давлат мулкининг жорий ҳолати бўйича ҳисоботларини **"property.davaktiv.uz"** АТга топширди.

**Давлат иштирокидаги корхоналар ташкилий-ҳуқуқий шакли**




*Изоҳ: Хусусийлаштириш дастурларига асосан давлат иштирокидаги корхоналарга тегишли бўлган корхоналарни оммавий савдолар орқали сотиш учун давлат тасарруфига олинганлиги сабабли 2024 йилда акциядорлик жамиятлари сони ортган.*

Давлат активлари агентлиги томонидан **598 та** ташкилотлар жумладан, **232 та** янги ташкил этилган давлат муассасалари ва давлат иштирокидаги корхоналар ҳамда **366 та** таъсис ҳужжатларига ўзгартириш киритиш бўйича буйруқлар қабул қилинган.

Давлат активлари агентлиги тақдимномалари ижросини таъминламаган **465 та** давлат ташкилотларининг **мансабдор шахсларига** нисбатан **маъмурий жавобгарлик чоралари қўлланилди.**

Қонунчилик талаблари асосида республика бўйича жами **26 394 та** давлат муассасалари хатловдан ўтказилиб, шундан **24 минг**дан ортиғи бўйича таҳлиллар ўтказилди.

Давлат кўчмас мулк объектлари бир давлат ташкилотидан бошқа бир давлат ташкилотига ўтказиш бўйича Давлат активлари агентлигининг **101 та қарори қабул қилинди.**

**Давлат активлари агентлиги томонидан қабул қилинган қарорлар**




## Давлат активларини хусусийлаштириш жараёнлари

Тегишли хусусийлаштириш дастурларига мувофиқ **2024 йилда 23,4 трлн сўм**лик **3,7 минг**дан ортиқ активлар, шу жумладан давлат улушлари, кўчмас мулк объектлари ва ер участкаларини оммавий савдоларга чиқарилган. Ушбу даврда **3 158 та давлат активлари 17,4 трлн сўмга** сотилди ва **9,8 трлн сўм тушум таъминланди.** *(батафсил маълумот ҳисоботнинг VI-бўлимида келтирилган)*

## Бўш турган активлардан самарали фойдаланиш ва ижарага беришни ташкил этиш

Республика бўйича кўчмас мулкни ижарага бериш ҳисобига умумий қиймати **472,8 млрд сўм**лик **27 644 та** *(майдони **55 млн квадрат метр**)* ижара шартномалари тузилган ва натижада **467,6 млрд сўм** тушум таъминланган, шундан **128 млрд сўм** *(2023 йилда 90 млрд сўм)* маблағлар бюджетга йўналтирилган.

**Давлат мулкини ижарага бериш ҳолати**



## Ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва рақамлаштириш

**1.** Давлат активлари агентлиги томонидан анъанавий кўрсатиладиган жами **18 та** давлат хизматлари тўлиқ рақамлаштирилиб, Ягона интерактив давлат хизматлари портали (my.gov.uz) ва Давлат хизматлари марказлари орқали хизматларни кўрсатиш йўлга қўйилган. Шундан **4 таси** 2024 йилда ишга туширилди.

**2.** Жисмоний ва юридик шахслар учун **сотилган давлат активлари тўловларини** электрон тўлов тизимлари **“Payme”**, **“Click”** va **“Uzum bank”** мобил иловалари орқали **24/7** режимида **тўлаш имкони яратилди.**

**3.** Давлат активлари агентлигининг **“Davaktiv”** ва **“Online-ijara” мобил иловалари** ишга туширилди.

**4.** Давлат активлари агентлигини бизнес жараёнларини рақамлаштириш бўйича **2 та** *(portal.davaktiv.uz ва online-ijara.uz)* ахборот тизими ишлаб чиқилди ва такомиллаштирилди.

**5.** Давлат активларини олди-сотди ва ижара **шартномаларини** электрон шаклда тузиш ва уларни **QR-код** қўйилган ҳолда **электрон рақамли имзо билан тасдиқлаш** жорий этилди.

**6.** Давлат активлари агентлигининг ахборот тизимлари **5 та** вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимлари ўртасида ўзаро электрон ахборот алмашинуви **(интеграцияси) йўлга қўйилди.**

## Халқаро ҳамкорлик масалалари

**1.** Халқаро ҳамкорлик бўйича жами **52 та** учрашувлар ўтказилди, булар, раҳбарият иштирокида **43 та** расмий ва **9 та** тегишли лойиҳалар доирасида ишчи тартибдаги учрашувлар. **16 та халқаро форум ва конференцияларда** Давлат активлари агентлиги вакилларининг фаол иштироки таъминланди.

**Жаҳон савдо ташкилотига** аъзо (АҚШ, Европа Иттифоқи, Буюк Британия, Россия Федерацияси, Швейцария ва Австралия) давлатлар томонидан келиб тушган **40 та** саволларга янгиланган жавоблар тақдим қилинди;

**1 646 та** давлат иштирокидаги корхоналарнинг янгиланган рўйхати шакллантирилди *(01.01.2024 й ҳолатига)*;

Фактологик резюмедаги хусусийлаштириш ҳамда давлат иштирокидаги корхоналар қисмига тегишли маълумотлар янгиланди.

Хизматлар бозорига кириш бўйича Европа Иттифоқи, АҚШ, Австралия ва Швейцария томонидан билдирилган саволлар асосида мажбуриятлар жадвалларининг тегишли қисми қайта ишлаб чиқилиб, Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тақдим қилинди.

**2.** Қатар, Покистон, БАА, Саудия Арабистони, Монголия мамлакатлари билан Ҳукуматлараро комиссиялари йиғилиш кун тартибига Давлат активлари агентлиги томонидан таклиф ва маълумотлар тайёрланиб инстанцияга тақдим этилди.

## III. Давлат активлари агентлигининг бошқа фаолият йўналишлари

### Баҳолаш ва риэлторлик фаолиятини мувофиқлаштириш

**1.** 2024 йилда **46 маротаба** баҳолаш объектлари баҳоси бўйича материалларни баҳсли вазиятларда суд органлари сўровларига кўра экспертизадан ўтказиш бўйича Эксперт комиссиясининг иши ташкил этилди ва **26 та** эксперт хулосалари тайёрланиб суд органларига юборилди.

Бунда, **64,3 млрд сўмлик** баҳолаш қийматига эга бўлган объектлар бўйича ҳужжатлар кўриб чиқилиб, хулосалар берилди.

**2.** Давлат активлари агентлигининг Баҳоловчиларга тоифа бериш ёки тоифа беришни рад этиш бўйича Баҳоловчи ташкилотларнинг профессионал жамоат бирлашмалари билан биргаликда комиссия йиғилиши бўлиб ўтди, мазкур комиссияда **42 та** талабгорга тегишли бўлган ҳужжатлар тўплами кўриб чиқилди.

Комиссия баённомаси қарорига асосан 2024 йилда **42 та** талабгордан **26 та** *(8-та олий, 15-та биринчи, 3-та иккинчи)* талабгорга тоифа гувоҳномалари берилди.

**3.** Баҳолаш соҳасида қонунчилик талабларини бузиш ҳолатлари аниқланганлиги сабабли **3 та** баҳоловчига нисбатан баҳоловчининг малака сертификатларини тугатиш тўғрисида судларга даъво аризалари киритилди шундан **1 та** баҳоловчининг малака сертификати суд қарорига асосан тугатилди.

**4.** 2024 йил бошидан **221 та** баҳоловчиларга ва **210 та** риэлторларга малака сертификатлари **берилган бўлиб**, бугунги кунга республикада жами **966 та** баҳоловчида ва **684 та** риэлторда малака сертификатлари **амал қилади.**

## Баҳоловчи ва риэлторлар йўналиши бўйича малака сертификати олган жисмоний шахслар тўғрисида




## Малака сертификатига эга бўлган баҳолаш ва риэлторлар тўғрисида




### Тўловга қобилиятсизлик жараёни бўйича

2024 йилнинг ҳисобот даврида **14 537 та** *(8 005 таси 2023 йилдан ўтган, 6 532 таси 2024 йилда банкрот деб топилган)* корхоналарда *(мулки мавжуд – 376 та)* тугатиш ишлари олиб борилиб, уларнинг **9 392 та**сида (3 055 таси 2024 йилда *банкрот деб топилган*) тугатиш ишлари якунланган *(мулки мавжуд – 123 та)*, қолган **5 145 та**сида *(мулки мавжуд – 253 та)* тугатиш ишлари давом этмоқда.

### Тўловга қобилиятсизлик кўрсаткичлари




**315 нафар** суд бошқарувчиси талабгори мурожаатига мувофиқ улар аттестациядан ўтказилди ва уларнинг **157 нафарига** суд бошқарувчиси аттестати берилди, натижада уларнинг умумий сони **333 та**га етказилди.

### Суд бошқарувчилари фаолияти




Давлат активлари агентлиги томонидан **240 нафар** суд бошқарувчиларининг иш фаолияти кўриб чиқилиб, **111 нафар суд бошқарувчи аттестати бекор қилинган, 30 нафарининг аттестатининг амал қилиши тўхтатилган, 38 нафар**ига камчиликларни бартараф этиш ҳақида **кўрсатма берилган** ҳамда **61 нафар**ига келгусида камчиликларга йўл қўймаслик тўғрисида **огоҳлантириш берилди.**

Тадбиркорлик субъектлари учун хўжалик жамиятининг тўловга қобилиятсизлиги (банкротлиги) тўғрисида маълумотларни **“my.gov.uz”** орқали олиш **имконияти яратилиб,** 2024 йилда **49 656 та** давлат хизматлари кўрсатилди.

**2024 йил январдан бошлаб**, “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида назарда тутилган маълумотларни суд бошқарувчилари томонидан ўз кабинети орқали Давлат активлари агентлигининг расмий **веб-сайтида эълон** қилиб бориш амалиёти йўлга қўйилиб, 2024 йилда суд бошқарувчилари томонидан **5 400 тадан ортиқ корхоналар** бўйича эълонлар Давлат активлари агентлигининг веб-сайтида жойлаштирилди.

## IV. “E-auksion” электрон савдо платформаси фаолияти

**Янги йўналишларни жорий этиш соҳасида**

– **барча давлат муассасаларининг асосий воситалари** “E-auksion” электрон савдо платформаси орқали сотиш;

– **хусусий мулкдорлар** буюртмаларини реализация қилиш ва ижарага бериш бўйича **соддалаштирилган тартиб ва муддатларда** “E-auksion” электрон савдо платформаси орқали сотиш йўлга қўйилди;

– қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ижарага беришда очиқ электрон **танлов ўрнига** электрон онлайн-аукцион савдоларини ўтказиш жорий қилинди

– **Ўрмон фонди** ер участкаларини ҳамда **давлатга тегишли сув ҳавзаларини** тадбиркорлик субъектларига “E-auksion” электрон савдо платформаси орқали ижарага бериш йўлга қўйилди

– **“Чорвоқ” туристик-рекреацион зонаси** буюртмасига асосан алоҳида шартлар асосида **“Угам ривер” туристик мажмуаси** модули яратилиб инвестиция шартномасини тузиш ҳуқуқи бўйича аукцион савдолари ташкил этилди.

– давлат иштирокидаги корхоналар давлат улуши сотиш бўйича савдоларини ташкил этишда, иштирокчилар томонидан сотиб олиш нархи бўйича Мажбуриятга эга бўлган **таклифларни (The Best Offer) қабул қилиш** имконияти яратилди.

**“E-auksion” платформасини технологик такомиллаштириш соҳасида**

**“Ассистент”** тизимида ёшлар етакчилари учун **“Маҳалла еттилиги”**нинг тавсиясини олган ёшларни аукционларда қатнашишга **рухсат бериш** имконияти яратилди.

**Ер участкалари** бўйича тўловларини тўлаш бўйича шартномаларни платформа орқали имзолаш йўлга қўйилди;

оммавий оферта ва бошқа шартномаларни имзолашда қўшимча равишда **OneID тизимидан** фойдаланиш имконияти яратилди.

давлат активлари бўйича чегирма беришни назарда тутувчи олди-сотди шартномалари ҳамда кичик саноат зоналари, тадбиркорлик ерлари **(бўлиб тўлаш) ва Ўрмон фонди** ер участкалари учун **шартномалар электрон шаклда** савдо платформасида имзолаш имконияти жорий қилинди.

# II. ДАВЛАТ ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАРНИ БОШҚАРИШ ВА ИСЛОҲ ҚИЛИШ СТРАТЕГИЯСИ

## 2.1. Стратегия тўғрисида маълумот

Ушбу бўлимда 2021-2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш Стратегияси (кейинги ўринларда – Стратегия) ҳақида сўз юритилади.

Мазкур ҳужжат охирги йиллар мобайнида Агентлик фаолиятини белгилаб берувчи энг муҳим ҳужжатлардан бири сифатида хизмат қилди. Стратегия Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 мартдаги 166-сон қарори билан тасдиқланган бўлиб, давлат иштирокини қисқартириш, давлат иштирокидаги корхоналарда замонавий корпоратив бошқарув тамойилларини жорий қилиш, уларнинг самарадорлигини ошириш ҳамда очиқлик ва ҳисобдорлик тамойилларини татбиқ этишга қаратилган.

Стратегия халқаро илғор тажрибалар, жумладан Давлат иштирокидаги корхоналарда корпоратив бошқарув бўйича ИҲТТ (OECD) тавсиялари асосида ишлаб чиқилган. Ушбу ҳужжат давлат мулкини бошқариш соҳасида тизимли ва бозор механизмларига мос ислоҳотларни амалга оширишни назарда тутади.

Стратегияни амалга ошириш доирасида қуйидаги асосий йўналишлар бўйича ишлар олиб борилди:

- давлат мулкини бошқаришнинг норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш;
- давлат иштирокидаги корхоналар сонини қисқартириш;
- корхоналар фаолиятини тўлиқ бозор механизмларига ўтказиш;
- корпоратив бошқарувнинг замонавий усулларини жорий этиш;
- очиқлик ва ахборот ошкоралигини таъминлаш.

2024 йил якунига келиб, амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида қатор муҳим ютуқларга эришилди. Жумладан, “Давлат мулкини бошқариш тўғрисида” (09.03.2023 й., ЎРҚ-821-сон) ва “Давлат мулкини хусусийлаштириш тўғрисида” (14.02.2024 й., ЎРҚ-907-сон) қонунлари қабул қилинди, давлат иштирокидаги корхоналар сони сезиларли даражада қисқартирилди, давлат унитар корхонаси каби ташкилий-ҳуқуқий шакл бекор қилинди ҳамда давлат корхоналарини тижорат шаклига ўтказиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Шу тариқа, ушбу Стратегия давлат мулкини бошқаришнинг замонавий ва бозорга мослашган моделини шакллантиришда асосий ҳужжатлардан бири сифатида хизмат қилди.

Стратегия амалга ошириш ҳолати тўғрисида батафсил маълумот қуйида келтирилмоқда.

*Келтирилган маълумотлар 2021–2024 йиллар давомида қилинган ишларни қамраб олган.*

## 2.2. Стратегияни амалга ошириш ҳолати

### 2.2.1. Давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилишнинг норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш.

#### Такомиллаштирилган ва янги қабул қилинган ҳужжатлар

Амалдаги қонун ҳужжатларини Стратегия талабларига мослаштириш мақсадида жами **38 та** қонунчилик ҳужжатлари такомиллаштирилди. Жумладан, 2022 йил 29 мартдаги "**Корпоратив бошқарув тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**" **ЎРҚ-760 – сон** Қонуни билан **6 та қонун,** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 30 декабрдаги **ПФ-42-сон Фармони билан 17 та** Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва **14 та** қарорларига, Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 26 октябрдаги **619-сон қарори** билан тегишли Ҳукумат ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

*Масалан, "Олтин акция"ни бекор қилиш, кузатув кенгаши ва ижроия органини 3 йилга сайлаш, корхоналарга кузатув кенгашини жорий этиш, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқлаштириш, ички аудит хизмати фаолиятини такомиллаштириш ва бошқалар шулар жумласига киради.*

Бундан ташқари, Стратегия мақсадларидан келиб чиқувчи жами **31 та** янги қонунчилик ҳужжатлари (жумладан **3 та** қонун, **14 та** Президент қарорлари **14 та** Вазирлар Маҳкамаси қарорлари қабул қилинди.

Алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, Стратегия доирасида давлат мулкини бошқариш соҳасини тартибга солувчи, давлат мулкини бошқариш субъектларининг функция ва вазифаларини белгилаб берувчи тўғридан тўғри амал қиладиган **2 та** янги қонун қубул қилинди *("Давлат мулкини бошқариш тўғрисида"ги (09.03.2023й. **ЎРҚ-821-сон**) ва "Давлат мулкини хусусийлаштириш тўғрисида"ги (14.02.2025й. **ЎРҚ-907-сон**) қонунлар)*.

### 2.2.2. Давлат иштирокидаги корхоналар сонини қисқартириш.

**"Сот ёки тушунтир"** тамойили асосида Давлат активлари агентлиги монополияга қарши курашиш органи, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **ҳар йили** давлат иштирокидаги корхоналарни хатловдан ўтказган ҳолда, уларни реализация қилиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиб, Ҳукуматга киритиб келмоқда.

Киритилган таклифлар асосида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ҳукуматининг қарорлари қабул қилиниб келмоқда *(18.03.2022 й. **ПҚ–168**-сон, 24.03.2023 й. **ПҚ-102**-сон, 19.04.2024 й. **ПҚ-162**-сон, 21.04.2025 й. **ПФ - 70-сон**, 03.06.2021 й. **350**-сон, 03.04.2023 й. **139-**сон ва 28.01.2025 й. **40** - сон қарорлар шулар жумласидан)*.

*Ушбу хужжатлар билан жами **1 200 дан** ортиқ корхоналардаги улушларни хусусийлаштириш, истиқболсиз **900 дан** ортиқ корхоналарни тугатиш ва 486 тасини қайта ташкил этиш белгиланди.*

2021 йил 1 январь ҳолатига давлат иштирокидаги корхоналар сони **2 781 та**ни ташкил этган бўлса, жорий йил 1 январь ҳолатига уларнинг **1 869 та**си (***67 фоизи***) қисқартирилган *(сотиш, тугатиш ва қайта ташкил этш, у/ф.га бериш орқали)*.

Йиллар кесимида назар солсак, 01.01.2022 йил ҳолатида **2 144 тани,** 01.01.2023 йил ҳолатида **2 340 тани**, 01.01.2024 йил ҳолатида **2 116 тани** ҳамда 01.01.2025 йил ҳолатида **2 148 тани** ташкил этган.

*Хусусийлаштириш мақсадида бошқа хўжалик жамиятларидан давлатга олинган хамда амалда тугатиш ва қайта ташкил этиш тўғрисида қарорлари мавжуд бўлган корхоналар инобатга олинмаганда.*

2025 йил учун **янги хусусийлаштириш дастури** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 21 апрелдаги ПФ-70-сон Фармони билан тасдиқланди.

### 2.2.3. Давлат иштирокидаги корхоналар фаолиятини тўлиқ бозор механизмларига ўтказиш

а) Биринчи навбатда давлат корхоналари ва нодавлат корхоналарга **тенг шароитлар яратиш** мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 08.11.2022 йилдаги **ПҚ-415-сон** қарори билан **2023 йил 1 мартдан** давлат унитар корхоналарни ташкил этишга чек қўйилди ва кейинчалик 07.02.2025 йилдаги **ЎРҚ-1025-сон** Қонуни билан бундай **ташкилий-ҳуқуқий шакли батамом бекор бекор қилинди.**

*2021 йилда ДУКлар сони **1 407 та** бўлган бўлса, 2025 йилга келиб уларнинг сони **444 тани** ташкил этган ёки **963 тага** қисқартирилган. ДУКлар тижорат ташкилоти ҳисобланса-да, уларнинг мол-мулклари оператив бошқарувда бўлиши ва бошқарув тизими хўжалик жамиятидан тубдан фарқ қилган.*

б) Иккинчидан **давлатнинг иқтисодиётдаги** улушини қисқартириш бўйича тизимли ишлар олиб борилди. Юқорида ушбу чора-тадбирлар юзасидан маълумот келтирилди.

Ушбу кўрсаткични мониторинг қилиб бориш ва тегишли ҳаракатларни амалга ошириш мақсадида Давлат активлари агентлиги ва Миллий статистика қўмитаси томонидан Давлат иштирокидаги корхоналарнинг иқтисодиётдаги улушини ҳисоблаш ва мониторингини олиб бориш методикаси ишлаб чиқилди.

Мазкур методика асосида Миллий статистика қўмитаси ҳар йили Давлат активлари агентлиги тақдим этган корхоналар рўйхати асосида уларнинг иқтисодиётдаги улушини (ЯИМдаги, капитал қурилишдаги, аҳоли бандлигидаги, инвестициядаги) аниқлаб беради.

***"Ўзбекистон – 2030"*** *стратегияси доирасида иқтисодиётда* ***нодавлат*** *сектор улушини* ***85 фоизга*** *етказиш, давлат улуши мавжуд* ***2,3 мингта*** *корхоналар сонини* ***6 баробарга*** *камайтириш белгиланган.*

**в) Манфаатлар тўқнашуви** ҳолатларини юзага олиб келувчи - бир вақтнинг ўзида **ҳам мулкдор ҳам тартибга солувчи** функцияларини ажратиш мақсадида "Давлат мулкини бошқариш тўғрисида"ги Қонун билан ушбу функциялар бир давлат органи томонидан бажарилишига йўл қўйилмаслиги белгиланди. Бундай ҳолатлар аниқланганда, мулкдор функциялари Давлат активлари агентлигига ўтказилиши ва кузатув кенгаши таркибига учдан икки қисм мустақил аъзоларни киритиш белгиланди.

*Давлат активлари агентлиги томонидан ўрганиш ўтказилганда,* ***14 та*** *корхонада бундай ҳолатлар мавжудлиги аниқланган. Қонун талабидан келиб чиқиб, ушбу корхоналарнинг* ***4 таси*** *Давлат активлари агентлигига ўтказилган, қолган* ***10 тасини*** *ўтказиш ва бу каби ҳолатларда манфаатлар тўқнашувини олдини олиш бўйича қарор лойиҳаси Вазирлар Маҳкамасига киритилган.*

Давлат мулкини бошқариш тўғрисидаги қонуннинг 9-моддаси билан давлат иштирокидаги корхоналарга ва нодавлат юридик шахсларга улар хўжалик фаолиятини юритиши учун тенг шарт-шароитлар яратиш мақсадида давлат иштирокидаги корхоналарга қўшимча **имтиёзлар ва преференциялар берилмаслиги** белгиланди.

г) Айрим корхоналар томонидан **ижтимоий аҳамиятга эга хизматларни (PSO)** амалга оширилишини инобатга олиб, бундай хизматлар (ишлар) айрим ҳолатларда корхоналар учун манфаатли бўлмаслиги (яъни нотижорат) ва зарар келтириши мумкинлигини ҳисобга олиб, бундай амалиётга сарфланган ҳаражатлар шаффоф механизмлар орқали давлат томонидан қопланиши кўзда тутилган.

Бунинг учун биринчи навбатда корхоналарни **тижорат мақсадлари ва нотижорат мақсадларини** ажратиш мақсадида ЕТТБ техник кўмагида "Nestor Advisors" компанияси (Буюк Британия) бошчилигидаги консултантлар жалб этилиб, **44 та** йирик корхоналар молиявий фаолияти ўрганиб чиқилди.

Ўрганиш натижаси юзасида, консултантлар томонидан Ўзбекистон қонунчилигида PSO тартибга солинмаганлиги, яъни уни **тартибга солувчи норматив ҳужжат мавжуд эмаслиги**, корхоналарда **тижорат ва нотижорат мақсадларга** сарф қилинган ҳаражатлар ажратилмаганлиги (*классификатор мавжуд бўлмаганлиги)* сабабли,

уларни етарли даража таҳлил қилишнинг (ажратишнинг) имкони бўлмаганлигини маълум қилди.

Шунга кўра, PSOни тартибга солиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат компанияларнинг нотижорат мақсадларини молиялаштиришга замонавий бозор ёндашувларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” қарорининг дастлабки лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Бугунги кунда, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан халқаро молия институтларининг экспертлари билан биргаликда PSO амалиётини жорий қилиш бўйича тегишли ишлар олиб борилмоқда.

### 2.2.4. Корпоратив бошқарувнинг замонавий услубларини жорий этиш

#### Кузатув кенгашлари мустақиллиги ва самарадорлигини ошириш

а) Корпоратив бошқарув тизимини янада такомиллаштириш ва кузатув кенгаши ва ижроия органи таркибига юқори малакали кадрларни жалб қилиш мақсадида Ўзбекистон кузатув кенгашлари **мустақил аъзолари ассоциацияси ташкил қилинди**;

**б) Жаҳон банки** кўмагида жалб қилинган хорижий консультант **“Strikitsa consulting”** Хедхантер ташкилоти билан ҳамкорликда **38 та йирик корхоналарга** бошқарув органи таркибига жалб этиш учун **100 нафар** малакали ва салоҳиятли бошқарувчилар заҳираси шакллантирилди.

Уларнинг орасидан **28 та** корхоналарга **54 та** номзодлар танлаб олиниб, корхоналарнинг кузатув кенгаши таркибига сайланган.

в) Давлат иштирокидаги корхоналарнинг кузатув кенгаши таркибига давлат улуши бўйича **номзодларни танлаб олиш тартиби** тасдиқланди *(**ВМҚ-647**, 04.11.2022й.).* Шунга кўра, номзодларни саралаб олиш бўйича танлов ўтказиш учун махсус **веб-портал** (www.cns.davaktiv.uz) ташкил этилди.

**107 та** корхоналарнинг кузатув кенгаши таркибига **8 маротаба** танлов эълон қилинди, ушбу танловларда **779 нафар** аъзолик ўринларига жами **2 665 нафар** талабгорлардан (115 нафари аёллар) аризалар келиб тушди. Уларнинг орасидан **344 нафари** танлаб олиниб (22 нафари аёллар) кузатув кенгаши таркибига сайланган.

**г) 120 дан** ортиқ корхоналарда кузатув кенгашининг **қошида тегишли йўналишлар** (Аудит, стратегия ва инвестициялар, Тайинловлар ва ҳақ тўлаш, Коррупцияга қарши курашиш ва этика қўмитаси) бўйича **480 та қўмита**, шунда **120 тасида** аудит қўмитаси ташкил этилган.

Бунда, давлат иштирокидаги **50 та** йирик корхоналарнинг (кейинги ўринларда – йирик корхоналар) **48 тасида** кузатув кенгаши қошида **2 тадан 6 тагача** (жами **194 та**) қўмиталар ташкил этилган.

## Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш

**Осиё тараққиёт банки ва Европа тикланиш ва тараққиёт банки** билан ҳамкорликда Давлат иштирокидаги корхоналар учун **Корпоратив бошқарув қоидалари** ва **Ахлоқ кодекси** ишлаб чиқилди ҳамда 2023 йил 23 июнда Давлат активлари агентлигининг буйруғи билан тасдиқланди.

Корпоратив бошқарув қоидалари ва Ахлоқ кодекси жадвал асосида босқичма-босқич **62 та** корхоналарга жорий этилиши белгиланди. Бугунги кунда **58 та** корхоналарда жорий этилди.

**Осиё тараққиёт банки** экспертлари билан ҳамкорликда корпоратив бошқарув тизимини, жумладан кузатув кенгаши фаолиятини баҳолашнинг **методологияси (scorecard)** ишлаб чиқилди ва **20 та** корхоналарда апробациядан ўтказилди. Натижаси бўйича ушбу методология такомиллаштирилди. Ҳозирда **4 та** мустақил экспертларни жалб этган ҳолда ушбу методология асосида **46 та** йирик корхоналар баҳолашдан ўтказилмоқда.

## Ички аудит хизмати

Ички аудит хизмати ҳам ушбу корхоналарда жорий этилган бўлса-да, айримларида улар тўлиқ шакллантирилмаган, яъни вакант ҳисобланади.

*Ички аудит хизмати жорий қилиниши лозим бўлган жами **230 та** давлат иштирокидаги корхоналардан бугунги кунда 41 тасида жорий этилмаган.*

## Корпоратив бошқарув кодекси

Германия Федерал Молия вазирлиги ҳамда Давлат активлари агентлиги ўртасида имзоланган ҳамкорлик меморандуми доирасида **Indecon consulting** экспертлари билан ҳамкорликда **Корпоратив бошқарув кодексининг янги таҳрири** лойиҳаси ишлаб чиқилди, 2024 йил 4 декабрь куни 150 нафар вазирлик ва идоралар масъул вакиллари ҳамда давлат иштирокидаги корхоналар мутахассислари иштирокида муҳокама қилинди.

## Корхоналар акцияларини оммавий (IPO/SPO) жойлаштириш

Стратегия доирасида 2025 йил якунигача **20 та** корхоналарнинг акцияларини **бирламчи ва иккиламчи** оммавий таклифини ўтказиш режалаштирилган.

Бугунги кунга келиб, **4 та** йирик корхоналарнинг *(Ўзтелеком, Ўзбекинвест, Uzautomotors, РТХБ)* акциялари IPO ва SPO орқали жойлаштирилди.

Ушбу акцияларни жойлаштириш натижасида **150 млрд сўм**га яқин маблағлар жалб этилиб, акциялар **23 минг**дан ортиқ шахсларга сотилди (*тўлиқ маълумот ҳисоботнинг 3.5-бандида келтирилган).*

## 2.4. Шаффофлик ва маълумотни ошкор қилиш борасида:

**2.4.1.** Давлат иштирокидаги корхоналарда шаффофлик ва ошкораликни таъминлаш мақсадида Давлат активлари агентлиги томонидан ҳар йили давлат иштирокидаги корхоналар фаолияти натижадорлиги ва давлат мулкидан фойдаланиш ҳолати тўғрисидаги **Йиғма ҳисобот** шакллантирилиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиш ҳамда Агентликнинг веб-сайтида жойлаштириб бориш тизими йўлга қўйилган. 2021-2023 йиллар якунлари бўйича шакллантирилган Йиғма хисоботларни веб-сайт орқали танишиш мумкин.

Бундан ташқари, давлат иштирокидаги корхоналарнинг **веб-сайтларини мониторинг қилиш** амалиёти жорий этилган. Бунда, ҳар чорак якуни билан Агентлик томонидан корхоналарнинг веб-сайтлари **мавжудлиги,** уларнинг **актуал** маълумотлар билан тўлдирилганлиги ва доимий равишда **янгиланиб бориши** кузатиб борилади. Ўрганиш натижалари бўйича тузилган таҳлилий маълумот Вазирлар Маҳкамасига киритиб келинмоқда.

Масалан, 2024 йилда **1 814 та** корхонанинг **383 та**сининг веб-сайти мавжудлиги, шундан **245 та**сидан маълумот олиш имконияти мавжудлиги, **138 та**си ишламаётганлиги аниқланган. Бунда, мазкур сайтларнинг **113 та**си “яхши”, **14 та**си “қониқарли” ҳамда **118 та**си “қониқарсиз” деб топилган *(батафсил маълумот ҳисоботнинг 5.2-бандида).*

**2.4.2.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 24.07.2021 йилдаги ПҚ-5197-сон қарорига мувофиқ давлат иштирокидаги корхоналарнинг мол-мулклари (кўчмас мулк, автотранспорт)ни сотиш ва ижарага бериш мажбурий тартибда электрон **онлайн-аукцион орқали** амалга оширилиши белгиланди.

**2.4.3.** Масъулиятли бизнес юритишни назарда тутувчи, **CSR ва ESG** тамойилларига асосланган ҳисобдорлик тизимини жорий этиш мақсадида Давлат активлари агентлиги томонидан мазкур ҳисобдорлик тизимини жорий этиш босқичлари бўйича таклифлар ва ҳисобот шакли ишлаб чиқилди.

*Бугунги кунда бир **қатор давлат иштиоркидаги корхоналар ва банклар** CSR ва ESG тамойилларига асосланган ҳисоботларини эълон қилган (тўлиқ маълумот ҳисоботнинг 3.6-бандида).*

Юқоридаги қайд этилган маълумотлар асосан давлат иштирокидаги **50 та йирик корхоналар бўйича келтирилган**. Умуман олганда, Стратегия нормаларини уларга жорий этилишини самарали деб таъкидлаш мумкин.

# III. ДАВЛАТ ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАР ВА УЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ

## 3.1. Давлат иштирокидаги корхоналар сони

2025 йил 1 январь ҳолатига давлат иштирокидаги корхоналар сони **2 148 тани**, шундан **258 таси** акциядорлик жамиятлари (кейинги ўринларда – АЖ), **1 440 таси** масъулияти чекланган жамият (кейинги ўринларда – МЧЖ) ва **450 таси** давлат унитар корхоналари (кейинги ўринларда – ДУК) ташкил қилган.




Кўриниб турганидек, ҳисобот йилида давлат тасарруфидаги корхоналар сони 2024 йилга нисбатан кўпайган. Бунда, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумат қарорлари асосида 284 та корхона давлат тасарруфига ўтказилган.



Шу билан бирга, ўтган йил давомида 115 та корхона давлат тасарруфидан чиқарилган, 91 таси тугатилган, 46 таси давлат муассасига айлантирилган.

Давлат тасарруфидаги корхоналарнинг **1 791 таси** фаолиятли, **268 таси** фаолиятсиз ҳамда **89 таси** тугатиш жараёнида.




Бугунги кунда олиб борилаётган ислоҳотлар доирасида давлат унитар корхонаси шаклида фаолият юритиб келаётган корхоналар хўжалик жамияти шаклида қайта ташкил этилади.

Давлат иштирокидаги корхоналарнинг аксарияти Тошкент шаҳрида жойлашган – 708 та ёки 32,96%, шулардан 221 таси ёки 31,2% - ДУК.

Давлат иштирокидаги корхоналар, ҳудудлар кесимида:

| № | Худуд | Корхоналар сони | АЖ | МЧЖ | ДУК |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Қорақалпоғистон Республикаси | 86 | 8 | 69 | 9 |
| 2. | Андижон вилояти | 102 | 10 | 82 | 10 |
| 3. | Бухоро вилояти | 89 | 17 | 57 | 15 |
| 4. | Жиззах вилояти | 85 | 5 | 59 | 21 |
| 5. | Қашқадарё вилояти | 186 | 17 | 152 | 17 |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 6. | Навоий вилояти | 79 | 10 | 53 | 16 |
| 7. | Наманган вилояти | 120 | 5 | 98 | 17 |
| 8. | Самарқанд вилояти | 117 | 9 | 96 | 12 |
| 9. | Сурхондарё вилояти | 116 | 5 | 101 | 10 |
| 10. | Сирдарё вилояти | 64 | 6 | 43 | 15 |
| 11. | Тошкент вилояти | 158 | 14 | 112 | 32 |
| 12. | Фарғона вилояти | 143 | 18 | 91 | 34 |
| 13. | Хоразм вилояти | 95 | 14 | 60 | 21 |
| 14. | Тошкент шаҳар | 708 | 120 | 367 | 221 |
| | ***Жами:*** | 2148 | 258 | 1440 | 450 |

Ушбу корхоналарнинг **153** тасида давлат улуши 25 фоиздан кам, **171** тасида 25 фоиздан 50 гача *(50 фоиз кирмаган)* ва қолган **1 824** тасида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ ҳисобланади.

Давлат корхоналарининг энг катта улуши савдо соҳасига тўғри келади (32,1%).




## 3.2. Давлат иштирокидаги корхоналарда акциядор (иштирокчи, мулкдор) функциясини бажарувчи органлар

Давлат иштирокидаги корхоналарда акциядор (иштирокчи, муассис) функцияси **70 та** вазирлик ва идоралар томонидан амалга оширилади.

Хусусан, Давлат активлари агентлиги - **717 та** корхонада (жами давлат корхоналарининг 33,3 фоизи), Қишлоқ хўжалиги вазирлиги - 88 та (4,0 фоиз), Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги -

54 та (2,5 фоиз), Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги - 69 та (3,2 фоиз), Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси - 45 та (2,1 фоиз), Соғлиқни сақлаш вазирлиги - 42 та (2,0 фоиз), Автомобиль йўллари қўмитаси - 24 та (1,1 фоиз), Иқтисодиёт ва Молия вазирлиги - 37 та (1,7 фоиз), ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари - 798 та (37,1 фоиз) мулкдор функциясини бажариб келмоқда *(шундан энг кўпи Тошкент шаҳар ҳокимлигида 134 та, Қашқадарё вилояти ҳокимлигида 100 та)*.

### 3.3. Давлат иштирокидаги корхоналарнинг йиғма кўрсаткичлари

Давлат мулкининг ҳисоби ягона марказлаштирилган электрон ахборот базасининг маълумотлари асосида юритилади.

“Давлат мулкини бошқариш тўғрисида”ги қонуннинг 48-моддасига асосан давлат мулки реестрини шакллантиришда Давактив агентлиги қуйидаги ташкилотларнинг дастлабки маълумотларидан фойдаланади:

акциядорлик жамиятларининг устав капиталларидаги давлат улуши бўйича - Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси акциядорлик жамиятининг;

масъулияти чекланган жамиятларнинг устав капиталларидаги давлат улуши, давлат унитар корхоналари ва давлат муассасалари, шунингдек давлат мулки бўлган интеллектуал мулк объектлари бўйича - Адлия вазирлигининг;

давлат мулки бўлган кўчмас мулк объектлари бўйича - Кадастр агентлигининг;

давлат мулки бўлган моддий маданий мерос объектлари бўйича - Маданий мерос агентлигининг;

давлат мулки бўлган автотранспорт воситалари бўйича - Ички ишлар вазирлигининг.

Шу билан бирга, корхоналар томонидан амалга оширилган харидлар бўйича **“Ўзбекистон Республикаси товар-хом ашё биржаси” АЖ** ва Ўзбекистон Республикаси Электрон кооперация порталининг (**cooperation.uz**) ахборот тизими билан ўзаро ахборот алмашинуви йўлга қўйилган[1].

Мавжуд маълумотлар асосида **ҳисоботлари тақдим этилган** жами **31 мингта** давлат иштирокидаги корхоналар (шу жумладан бевосита ва билвосита эгаликдаги корхоналар ва давлат муассасалари)нинг **2024 йил якуни** бўйича фаолияти таҳлил қилинди.

---

[1] *Ушбу ҳисоботда келтирилган маълумотлар давлат иштирокидаги корхоналар тўғрисида Давактив агентлигида мавжуд маълумотлар асосида шакллантирилган, айрим корхоналар томонидан молиявий ва бошқа ҳисоботлари аудиторлик текширувдан кейин қайтадан топширилган ёки ўзгартирилган бўлиши мумкин.*

Давлатнинг тўғридан тўғри ва билвосита эгалигидаги корхоналар, шунингдек давлат муассасаларининг:

экспортдаги улуши 27,5 фоиз ёки **7 498,4 млн. АҚШ долларни,** *(5 404,5 млн доллар ўтган йили 21,7 фоиз);*

республика бўйича жами қурилиш ишларида (263,7 трлн. сўм) улуши **16,1 трлн. сўм** ёки 6,8 фоизни *(ўтган йили 11,5 трлн. сўм, 7,6 фоиз);*

асосий капиталга ўзлаштирилган инвестициялардаги улуши **182,6 трлн сўм** ёки 35,9 фоизни *(ўтган йили 107,4 трлн сўм ёки 30,2 фоиз);*

кўрсатилган бозор хизматлар ҳажми **378,5 трлн сўмни** ёки 45,7 фоизни ташкил қилган *(ўтган йили 178,8 трлн сўм ёки 37,5 фоиз).*

Мазкур корхоналарда фаолият юритаётган ходимларнинг жами аҳоли бандлигидаги (14,3 млн. киши) улуши **2,6 млн. киши** ёки 18,2 фоизни ташкил этди *(ўтган йили 2,4 млн. киши ёки 17 фоиз).*

Шу билан бирга, ялпи қўшилган қийматдаги (ЯИМ) улуши **33,7 фоизни** ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан (25,6 фоиз) 7,1 фоизга кўпайган. Ушбу кўрсаткич давлат корхоналарининг иқтисодиётдаги **улуши кўпайганлигидан далолат беради.**




## Жами активлари

Давлат иштирокидаги корхоналарнинг жами активлари **1 557 755,8 млрд**. сўмни ташкил этиб, ўтган йилга (1 168 735,5 млрд.сўм) нисбатан 33,3 фоизга кўпайган. Бунда активларнинг 92,1 фоизи **43 та** йирик корхоналар *(661 992,1 млр.сўм)*, **11 та** тижорат банклари *(770 065,1 млрд.сўм)* ва **2 та** суғурта компаниялари *(2 840,5 млрд.сўм)* ҳиссасига тўғри келади (1-иловага қаранг).

**Активлари юқори бўлган** корхоналар жумласига:

***- йирик корхоналардан***:

- “Навоий КМК” АЖ –137 190,6 млрд.сўм *(ўсиш 107,3%);*
- “Ўзбекнефтгаз” АЖ – 82 078,4 млрд.сўм *(109,3%);*
- “Олмалиқ КМК” АЖ – 73 116,8 млрд.сўм *(132,7%);*
- “Иссиқлик электр станциялари” АЖ – 53 126,7 млрд.сўм *(89,3%)*;
- “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ – 44 064,6 млрд.сўм *(109,6%)*;
- “Ўзтрансгаз” АЖ – 34 262,3 млрд.сўм *(106,5%);*
- “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ – 30 513,4 млрд.сўм *(103,7%)*;

***- тижорат банкларидан***:

- “Ўзбекистон Республикаси ТИФ миллий банки” АЖ – 173 235,5 млрд.сўм *(135,9%);*
- “Агробанк” АЖ – 155 819,6 млрд.сўм *(233,6%);*
- “Ўзсаноатқурилишбанк” АЖ – 88 422,1 млрд.сўм *(118,5%);*
- “Асакабанк” АЖ – 84 481,9 млрд.сўм *(145,6%);*
- “Қишлоқ қурилиш банки” АЖни – 53 864,9 млрд.сўм *(199,0%)* киритиш мумкин.

Умуман олганда, **жами активлари 725** та корхоналарда ўтган йилга нисбатан **кўпайган** бўлса, **713 тасида камайган** ва **86 тасида** ўзгаришлар кузатилмаган.

Масалан, 3 та йирик корхоналарда *(“Тошшаҳартрансхизмат” АЖда 28,7%га, “Ўзбекистон МЭТ” АЖда 23,6%га, “Янги Ангрен ИЭС” АЖда 14,6%га)* **камайган.**

## Дебиторлик қарздорлик

Корхоналарнинг жами **дебиторлик** қарздорлиги **135 971,0 млрд**.сўмни *(ўтган йилга нисбатан 3,7 фоизга кўпайган)* ташкил этган, дебиторлик қарздорликнинг **86,4 фоизи** ёки **117 506,5 млрд**. сўми **56 та** йирик корхоналарга тўғри келади.

Ўтган йилга нисбатан дебиторлик қарздорлик **600 та** корхонада 27 179,0 млрд.сўмга **кўпайган** бўлса, **553 та** корхонада 31 658,7 сўмга **камайган**, шунингдек, **101 та** корхонада ўзгармаган.

**Йирик корхоналарнинг** 28 тасида 21 838,0 млрд. сўмга **кўпайган:**

- “Ўзбекгидроэнерго” АЖ – 7,7 баробарга;
- “Навоийуран” ДК – 3,4 баробарга;
- “Навоий КМК” АЖ – 2,7 баробарга;
- “Ҳудудийгаз таъминот” АЖ – 2,2 баробарга;
- “Ўзбекистон почтаси” АЖ – 1,7 баробарга;
- “Uzbekistan airways” АЖ – 156,9%;
- “Олмалиқ КМК” АЖ - 134,2%;
- “Ўзагросуғурта” АЖ – 132,8%;

- “Ўзбектелеком” АЖ - 117,7%;
- “Uzbekistan airports” АЖ – 117,3%;
- “Ўзтрансгаз” АЖ - 113,1%;

Тижорат банклари ҳисобга олинмаганда дебиторлик қарздорликлари **энг юқори бўлган корхоналар**:

- “Ўзтрансгаз” АЖ – 18 922,9 млрд.сўм *(йил бошига нисбатан 13,1 фоизга кўпайган)*;
- “Навоий КМК” АЖ - 10 754,3 млрд.сўм *(ўсиш 171,3 фоиз);*
- “Олмалиқ КМК” АЖ - 10 538,3 млрд.сўм *(ўсиш 34,2 фоиз);*
- Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ – 7 185,4 млрд.сўм (*21,9 фоизга камайган);*
- “Иссиқлик электр станциялари” АЖ - 7 049,9 млрд.сўм *(29,1 фоизга камайган);*
- “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ - 5 439,1 млрд.сўм *(14,0 фоизга камайган)*
- “Ҳудудгазтаъминот” АЖ - 5 213,3 млрд.сўм *(ўсиш 121,7,8%);*
- “Ўзбекнефтгаз” АЖ – 4 938,8 млрд. сўм *(19,3 фоизга камайган);*
- “Uzbekistan airports” АЖ – 3 935,2 млрд. сўм *(20,1 фоизга);*
- “Ўзбекистон МЭТ” АЖ - 2 737,7 млрд.сўм *(65,8 фоизга камайган);*

Шунингдек, дебиторлик қарздорлик қуйидаги корхоналарда:

- “Навоий ИЭС” АЖда 3 470,7 млрд.сўм *(20,0%);*
- “Тошкент ИЭС” АЖ – 1 962,8 млрд. сўм *(17,8%);*
- “Ўзметкомбинат” АЖ – 1 857,4 *(34,9%);*
- “Навоийазот” АЖда 454,8 млрд.сўм *(6,7%)*;
- “Ўзкимёсаноат” АЖда 329,5 млрд.сўм *(10,9%);*
- “Ўзбеккўмир” АЖ 242,4 млрд.сўм *(41,2%)*га камайган.

**Йирик бўлмаган** корхоналарда дебиторлик қарздорлиги кўп бўлган корхоналар қаторига “Тахиатош ИЭС” АЖ - 1 303,6 млрд.сўм (ўсиш суръати 89,6%), “Ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси” ДУК – 1 093,9 млрд.сўм (77,4%), “Қишлоқ қурилиш инвест” МЧЖ–880,7 млрд.сўм (214,1%), “Grand road Tashkent” АЖ - 481,9 млрд.сўм (117,5%), “Трест-12” АЖ–442,6 млрд.сўм (128,8%), киритиш мумкин.

## Мажбуриятлар

Давлат иштирокидаги корхоналарнинг **жами мажбуриятлари 1 103 159,7 млрд**.сўм (ўсиш суръати -124,9%)ни ташкил этиб, шундан **банк кредитлари** 207 028,8 млрд.сўм (107,3%)ни, **жорий кредиторлик қарздорликлари** 133 823,2 млрд.сўм (95,4%)ни ёки **ЯИМга** ***(1 454 574,0 млрд. сўм)*** нисбатан 71,4 фоизни ташкил этган.

Жами мажбуриятларнинг давлат корхоналари активларига нисбати 2024 йилда 70,8 фоизни (2023 йилда 71,4 фоиз), банк кредитларининг активларга нисбати 18,8 фоизни (2023 йилда 16,5 фоиз) ташкил этди.

Бунда, тижорат банкларни ҳисобга олмаганда корхоналарнинг жами жорий кредиторлик қарздорлиги **127 364,1 млрд**.сўм (ўсиш суръати 94,3%)ни ёки **ЯИМга** нисбатан **8,7 фоизни** ташкил этган, шундан жами кредиторлик қарздорликнинг **76,7 фоизи** (102 664,9 млрд. сўм) **45 та йирик** корхоналарга тўғри келади (2-иловага қаранг).

Жорий кредиторлик қарздорликлари мавжуд корхоналар орасида **энг кўп қарздорликлари** бўлган корхоналар ичида *(тижорат банкларидан ташқари)* энг кўп қарздорлик “Ўзтрансгаз” АЖда 23 600,2 млрд. сўмни ташкил қилган (3-иловага қаранг).

**Даромадлар**

Корхоналарнинг **жами даромадлари 668 767,1 млрд**.сўм *(2023 йилга нисбатан ўсиш суръати 137,2%)*ни ёки **ЯИМга** нисбатан **46,0 фоизни** ташкил этган, жумладан тижорат банкларнинг даромадлари 136 354,7 млрд.сўм, **45 та** йирик корхоналарнинг даромадлари **479 910,0 млрд.сўм**, бошқа корхоналарнинг даромадлари **52 502,4 млрд.сўмни** ташкил этган.

**Даромадларнинг таркибида** соф тушумнинг улуши **87,7 фоиз** (586 696,7 млрд.сўм), молиявий даромад 9,1 фоиз (61 218,7 млрд.сўм) ва бошқа даромадлар 3,1 фоиз (20 941,4 млрд.сўм)ни ташкил этади.

**Энг кўп даромад олган** корхоналар:

- “Навоий КМК” АЖ - 94 688,1 млрд.сўм (жами улуши **14,1**%);
- “UZGASTRADE” АЖ – 53 702,9 (8,0%);
- “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ - 44 127,3 млрд.сўм (6,6%);
- "Олмалиқ КМК" АЖ - 41 505,4 млрд.сўм (6,2%);
- "Ўзбекистон МЭТ" АЖ - 29 008,2 млрд.сўм (4,3%);
- "Иссиқлик электр станциялари" АЖ - 27 009,7 (4,3%);

Ушбу корхоналарга жами даромаднинг **43,4 фоизи** ёки 290 041,6 млрд.сўми тўғри келади (4-иловага қаранг).

Бунда 846 та корхоналарнинг даромадлари ўтган йилга нисбатан **кўпайган**, 463 та корхоналарда **камайган**, 17 та корхоналарда **ўзгармаган**.

**Тармоқлар кесимида** энг кўп даромад кўрган соҳалар:

- металлургия корхоналари жами даромаднинг 23,3 фоизи (155 995,5 млрд.сўм, ўсиш суръати 133,7%);
- энергетика 21,8 фоизи (145 574,6 млрд.сўм, ўсиш 169,8%);
- тижорат банклари 20,4 фоизи (136 354,7 млрд.сўм, ўсиш 152,4%);
- нефт-газ тармоғи 17,1 фоизи (114 055,1 млрд.сўм, ўсиш 119,8%);
- йўл-транспорт инфратузилмаси 6,5 фоизи (43 673,5 млрд.сўм, ўсиш 121,7%);

- ахборот технологиялари 2,7 фоизи, (18 082,6 млрд.сўм, ўсиш 137,3%), машинасозлик саноати 2,0 фоизи (13 801,2 млрд.сўм, ўсиш 117,1%)га тўғри келади.

Умуман олганда ушбу соҳаларга давлат иштирокидаги корхоналар даромадининг **93,8 фоизи** тўғри келади.

Тармоқлар кесимида даромадлар таҳлилига кўра, 5 та соҳаларда даромадлар ўтган йилга нисбатан камайганлигини кўриш мумкин, масалан, ёғ-мой саноатида 64,2 фоиз, озиқ-овқат саноатида 33,6 фоиз, телевидение ва кинематография корхоналари 28,5 фоиз, электротехника саноатида 27,3 фоиз, қишлоқ хўжалиги ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасида 22,3 фоизга камайган.

2024 йилда Тошкент шаҳрида жойлашган давлат корхоналарининг даромадлари 455 426,0 млрд. сўмни ёки давлат улушидаги корхоналар барча даромадларининг 68,1 фоизини ташкил этди. Иккинчи ўринда Навоий вилоятида жойлашган давлат корхоналари (124 391,5 млрд. сўм ёки 18,6%) (5-иловага қаранг).

### Харажатлар

Корхоналарнинг жами **харажатлари 490 067,8 млрд**.сўмни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати 134,1 фоизни ташкил этган. Жумладан, харажатларнинг 71,3 фоизи *(346 148,2 млрд.сўм)ни* таннарх, 17,6 фоизи *(85 688,9 млрд.сўм)ни* давр харажатлари, 11,9 фоизи *(58 230,6 млрд.сўм)ни* молиявий харажатлар ташкил этган (6-иловага қаранг).

Бунда 851 та корхоналарда харажатлар ўтган йилга нисбатан **кўпайган** бўлса, 543 та корхоналарда эса, харажатлар **камайган**, 19 та корхоналарда **ўзгармаган**.

Корхоналарнинг жами харажатлари улар даромадларининг 70,5 фоизини ташкил этади. Бунда, 347 та корхоналарнинг **харажатлари улар даромадларидан кўп ҳисобланади.**

Таннархнинг соф тушумдаги улуши 58,9 фоиз (346 148,2 млрд. сўм)ни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан ўртача 4,7 фоизга камайган.

**Таннарх** 396 та корхоналарда ўтган йилга нисбатан **ўсган** бўлса, 407 тасида **камайган**, 14 тасида **ўзгармаган**.

Шунингдек, 82 та корхоналарда таннарх соф тушумдан ва 66 та корхоналарда эса уларнинг жами даромадидан юқори ҳисобланади, яъни, уларнинг даромадлари ишлаб чиқарилган маҳсулотлари (хизматлари) **таннархни қоплашга етмайди**.

### Соф фойда ва зарар

2024 йил якуни бўйича ҳисоботлари мавжуд жами **1 654 та** корхоналардан **982 таси 59 416,4 млрд**.сўм **соф фойда** кўрган (ўсиш

суръати 132,4 фоиз) бўлса, 451 та корхоналар ўз фаолиятини жами **14 075,6** млрд.сўм сўм **зарар билан** якунлаган (ўсиш суръати 128,8 фоиз)[2], 221 таси эса фойда олмаган ва зарар кўрмаган.

Шундай қилиб, 2024 йил учун давлат корхоналари портфелининг соф фойдаси 45 335,2 млрд. сўмни, активлар рентабеллиги **0,03 фоизни** ташкил этди (7-иловага қаранг).

**Соф фойданинг:**

- 84,4 фоизи (50 176,1 млрд.сўм) **40 та йирик корхоналарга** *(“Навоий КМК” АЖ 25 291,3 млрд.сўм, “Олмалиқ КМК" АЖ 7 712,8 млрд.сўм, "Ўзтрансгаз" АЖ 5 625,3 млрд.сўм, “Навоийуран” ДК 5 313,1 млрд. сўм, "Ўзбекнефтгаз" АЖ 2 630,0 млрд.сўм, “Иссиқлик электр станциялари” АЖ 788,5 млрд.сўм)*;

- 7,2 фоизи (**4 280,0** млрд.сўм) **7 та тижорат банкларига** *(“Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банки” АЖ 2 368,3 млрд.сўм, “Ўзсаноатқурилишбанк” АЖ 1 274,4 млрд.сўм, “Халқ банки” АЖ 268,5 млрд. сўм, “Алоқа банк” АЖ 189,9 млрд.сўм, “Агробанк” АЖ 42,0 млрд. сўм);*

8,4 фоизи (**5 032,3** млрд.сўм) **бошқа 935 та корхоналарга** *(“УЗБАТ” АЖ 1 408,9 млрд.сўм, “Ўзаэронавигация маркази” ДУК 387,4 млрд.сўм, “Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси” АЖ 259,4 млрд.сўм, “Миллий банклараро процессинг маркази” АЖ 168,3 млрд. сўм)* тўғри келади.

**Жами зарарнинг:**

57,7 фоизи (**- 8 120,1** млрд.сўм) **йирик корхоналарга** *("Ўзбекистон МЭТ" АЖ - 2 146,7 млрд.сўм, “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ – 504,7 млрд. сўм, "Ўзэнергосотиш" АЖ - 291,6 млрд.сўм, "Янги Ангрен ИЭС" АЖ - 186,7 млрд.сўм ва бошқалар)*;

30,1 фоизи (**- 4 239,4** млрд.сўм) **4 та банкларга** *(“Қишлоққурилишбанк” АТБ – 2 231,1 млрд. сўм, “Микрокредитбанк” АТБ - 1 703,8 млрд.сўм, “Ипотека банк” АТБ – 240,2 млрд. сўм, “Garant bank” АТБ - 64,3 млрд.сўм)*;

12,2 фоизи (**-1 716,0** млрд.сўм) **бошқа 442 та корхоналарга** *(“Кўп функцияли тиббиёт маркази” МЧЖ – 233,з6 млрд. сўм, “Тошиссиққуввати” ДУК - 135,6 млрд.сўм, “Электртармоққурилиш” АЖ - 129,4 млрд.сўм, “Иссиқлик манбаи” ДУК - 99,4 млрд.сўм, “Тошвил иссиқлик манбаи ИЧБ” ДУК - 64,1 млд. сўм, “Нито air” МЧЖ – 58,3 млрд. сўм, “Чирчик ИЭИЧК” ДУК – 57,3 млрд. сўм, “Кўприкқурилиш” АЖ - 55,1 млрд.сўм, “Олтин кон” МЧЖ – 53,5 млрд. сўм)* тўғри келади *(тармоқлар кесимида зарарлар 8-иловада).*

Тармоқлар кесимида корхоналар зарар кўриб фаолият юритиш сабаблари:

| | |
|---|---|
| ***а) Иссиқлик таъминоти корхоналари*** | • корхоналарда иссиқлик ва электр энергияси нархлари тартибга солиниши;<br>• марказлашган иссиқлик таъминоти тизими, магистраль ва тақсимловчи иссиқлик тармоқлари ҳамда марказий қозонхоналар эскирганлиги; |

[2] - *Маълумот учун: 2023 йил якуни бўйича 1 053 та корхона 44 861,8 млрд.сўм соф фойда кўрган бўлса, 439 та корхона 10 930,8 млрд. сўм зарар кўрган.*

| | |
|---|---|
| | • иссиқлик энергияси кўп миқдорда йўқотилаётганлиги;<br>• истеъмолчиларнинг йилдан йилга қисқариб бораётганлиги *(аҳоли томонидан газ ёки муқобил иситиш тизимига ўтилаётганлиги)*. |
| ***б) Электр энергия таъминоти тизимидаги корхоналар*** | • Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Идоралараро тариф комиссияси томонидан тасдиқланган тармоқ ички тарифларига асосан электр энергиясини республика ичкарисидаги электр станциялардан сотиб олиш (импортни хисобга олган ҳолда) ва сотиш нархлари орасидаги манфий тафовутлар;<br>• валютада жалб қилинган кредитлар бўйича валюта курси фарқи, етказиб берилган иссиқлик энергияси учун маблағларнинг вақтида тўланмаслиги, нархларнинг пастлиги, энергоблокларнинг паст қувватда ишлаши, кўмир ёқилғиси табиий газга нисбатан қимматлиги. |
| ***в) Йўл-транспорт инфратузилмаси*** | • асосий воситаларнинг эскирганлиги ва эхтиёт қисмлар нархи қимматлиги;<br>• қурилиш моллари хом-ашёсининг нархи ошиб кетганлиги;<br>• харид қилинган автобуслар учун ҳисобланган амортизация харажатларининг юқорилиги<br>• энергия ресурслари, тижорат банк кредитлари ва бошқа қарздорликлар сабабли МИБ ва бошқа ташкилотлар томонидан ҳисоб рақамларига таъқиқ қўйилиши; |
| ***д) Бошқа корхоналар*** | • қишлоқ хўжалиги техникаларини лизинг орқали сотиш ҳажмларининг камайганлиги;<br>• фаолиятнинг айрим турлари бўйича рухсат берувчи сертификат (лицензия) муддатининг тугаганлиги;<br>• ёқилғи сарфи ошиши, хорижий кредит маблағлари жалб қилиниши сабабли манфий курс фарқи. |

Давлат иштирокидаги жами 120 та, шундан зарар кўрган 74 та ҳамда иқтисодий таваккалчилик ҳолатидаги 46 та корхоналарни

молиявий соғломлаштириш юзасидан 2024 йилга мўлжалланган **“йўл хариталари” -** дастурлари ишлаб чиқилди ва йил якуни бўйича ижроси мониторинг қилинди.

Мониторинг натижасида ушбу 120 та корхоналар бўйича 2024 йилга мўлжалланган дастурларда маҳсулот (товар, иш ва хизматлар) ишлаб чиқариш ҳажми 106 679,7 млрд.сўм прогноз қилинган, амалда 108 182,9 млрд.сўмга (101%), жалб қилинган инвестициялар миқдори 9 149,0 млрд.сўм прогноз қилинган, амалда 13 516,2 млрд.сўмга (148%), соф фойда миқдори 11 179,3 млрд.сўм прогноз қилинган, амалда 3 950,5 млрд.сўмга (36%) бажарилган (9-иловага қаранг).

## Дивиденд

2024 йилда **934 та** давлат иштирокидаги корхоналарнинг 2023 йил якуни бўйича олинган **41 180,8 млрд. сўм** соф фойдасидан давлат улуши бўйича жами **26 016,4 млрд. сўм** *(2023 йил фактга нисбатан 8,0 фоизга кам)* дивиденд ва ажратмалар тўланиши режалаштирилган бўлиб, 2025 йил 1 январь ҳолатига **902 та** корхоналар томонидан **26 298,9 млрд. сўм** дивиденд ва ажратмалар давлат бюджетига тўланган, ўтган йилнинг шу даврига *(26 016,2 млрд. сўм)* нисбатан ***1,1 фоизга*** *кўп*.

***Маълумот учун:*** *Тўланган дивидендларнинг 90,3 фоизи 4 та йирик корхона ҳиссасига тўғри келади ("Навоий КМК" АЖ – 15 723,0 млрд. сўм, "Олмалиқ КМК" АЖ – 5 092,0 млрд. сўм, "Навоийуран" ДК – 2 050,1 млрд. сўм, "Ўзавтосаноат" АЖ – 870,8 млрд. сўм).*

## Ташқи аудит

Ўзбекистон Республикасининг "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ (35-модда), устав капиталида давлатга тегишли улушга эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказилиши лозимлиги ҳамда ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 июнидан кечиктирмай, солиқ органларига аудиторлик хулосасининг нусхасини (хулоса) тақдим этиши кўрсатиб ўтилган.

Бугунги кунда давлат иштирокидаги корхоналарнинг аудит хулосаларини Солиқ органларининг маълумотлар базаси билан интеграциялашув орқали "Давлат мулки" ахборот тизимига юклаб олиш имкониятини яратиш мақсадида тегишли ишлар амалга оширилмоқда.

## Импорт ва экспорт

2024 йил якуни бўйича **96 та** давлат иштирокидаги корхоналар томонидан **4 647,3 млн доллар**лик товарлар экспорт қилинган (2023 йил якунига нисбатан **3,0 фоиз**га кўпайган). Бунда, корхоналар томонидан амалга оширилган экспорт ҳажми республика жами экспортининг **23 фоизи**ни ташкил этган (ишлар ва хизматларсиз).

Шунингдек, **33 та** корхоналарда экспорт ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **21,3 фоиз**га камайган бўлиб, жумладан, машинасозлик ва электротехника тармоғи корхоналари – **12 та**, хизмат кўрсатиш – **4 та**, металлургия ташкилотлари – **3 та**дан, Банк ва молия – **2 та**, кимё саноати - **2 та**, қурилиш ва қурилиш материалари – **2 та**, озиқ овқат, аҳборот технологиялари, энергетика тармоғи корхоналари, эркин иқтисодий зона, геология, савдо тармоғи, нефт-газ корхоналари, йўл инфратузилмакорхонлари – **1 та**дан.

Шу билан бирга, **153 та** давлат иштирокидаги корхоналар томонидан жами **8 167,4 млн долларлик** товарлар импорт қилинган ёки жами республика импортининг **21,0 фоизи**ни ташкил этган (2023 йилга нисбатан ўсиш - **9,5**%).

Бунда, импорт хажмининг асосий қисми неф-газ - **39,7**%, металлургия - **13,2**%, энергетика - **6,2**%, банк ва молия ташкилотлари - **13,7**%, машинасозлик ва электротехника - **7,7**%, йўл-транспорт - **4,7**%, ахборот технологиялари - **3,4**% ва бошқа соҳаларга тўғри келади.

## Ижроия органи фаолияти самарадорлиги муҳим кўрсаткичлари (KPI)

2024 йил якуни бўйича тугатиш жараёнида бўлган, фаолият юритмаётган, банкротлик таомили қўлланилган, бўлиб тўлаш шарти билан сотиш ҳамда тижорат банкларини ҳисобга олмаганда **1 267 та** корхонада ижроия органи самарадорлиги муҳим кўрсаткичлари (кейинги ўринларда – СМК) жорий этилиши белгиланган.

Шундан, **697 та** (55 фоиз) давлат иштирокидаги корхоналар томонидан Давлат актив агентлиги расмий веб-сайтига 2024 йил якуни бўйича жойлаштирилган СМК натижалари қуйидагича:

**322 та**си (25,4 фоиз) юқори даражада баҳоланган (100 фоиздан ошган);

**60 та**си (4,7 фоиз) етарли (90 фоиздан ошган);

**69 та**си (5,4 фоиз) ўрта (80 фоиздан ошган);

**71 та**си (5,6 фоиз) етарли эмас (60 фоиздан ошган);

**71 та**си (5,6 фоиз) паст (40 фоиздан ошган);

**104 та**си (8,2 фоиз) қониқарсиз даражада (40 фоиздан кам).

Қолган 570 та корхоналарда (янги қўшилган давлат иштирокидаги корхоналар) СМК тизимини жорий этиш жараёни давом этмоқда.



## Ишчилар сони

Давлат иштирокидаги корхоналарда уларнинг тизим корхоналари билан бирга жами **521 614 нафар** ишчи-ходимлар фаолият юритиб, уларнинг **62 591 нафари** (12 фоиз) маъмурий бошқарув ходимларини ташкил этади. **457 490 нафар** ходимлар тизим корхоналари ишчилари ҳисобланади.

Ишчиларнинг 60 фоизи ёки 386,5 минг нафари 6 та тармоқларга тўғри келади *(металлургия 101,1 минг, йўл-транспорт инфратузилмаси 95,0 минг, энергетика 59,4 минг, нефть-газ 45,7 минг, машинасозлик 42,8 минг, Банк 42,5 минг нафар)*.

Ишчиларнинг ўртача **79,7 фоизи** ёки 415,5 минг нафари **эркаклар** ҳамда **20,2 фоизи** ёки 105,4 **минг** нафари **аёллар** ҳисобланади.

### Давлат иштирокидаги корхоналарнинг ишчилари

*(нафар)*

| Номи | Корхона сони | Жами ишчилар | Маъмури бошқарув ходимлари | Тизим корхоналари ишчилари | Эркаклар | Аёллар | Улуши, % |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **Жами** | **1 654** | **521 614** | **62 591** | **457 490** | **415 524** | **105 442** | **100** |
| Металлургия | 7 | 101 065 | 7 810 | 93 252 | 84 507 | 16 558 | 19,4 |
| Йўл-транспорт инфратузилмаси | 67 | 95 008 | 3 635 | 91 507 | 75 427 | 19 581 | 18,2 |
| Энергетика | 25 | 59 420 | 7 406 | 51 890 | 51 161 | 8 256 | 11,4 |
| Нефт-газ | 40 | 45 656 | 4 594 | 42 707 | 41 798 | 4 738 | 8,8 |
| Машинасозлик | 58 | 42 831 | 3 270 | 41 386 | 39 700 | 3 129 | 8,2 |
| Банк | 11 | 42 555 | 20 424 | 22 131 | 26 325 | 16 228 | 8,2 |
| Бошқалар | 1 446 | 135 079 | 15 452 | 114 617 | 96 606 | 36 952 | 25,9 |

## 3.4. Давлат иштирокидаги корхоналарнинг капитал бозоридаги иштироки

Ҳисобот йилида Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсида жами 688 та акциядорлик жамиятлари рўйхатдан ўтган бўлиб, уларнинг 261 таси ёки 37,9 фоизини давлат иштирокидаги корхоналар ташкил қилган. Умумий эмиссия ҳажми 214 700,1 млрд. сўмни ташкил қилган, бунда, давлат иштирокидаги корхоналар томонидан чиқарилган 171 604,8 млрд. сўмлик (79,9%) қимматли қоғозларга тўғри келади.

### АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИ УСТАВ ФОНДЛАРИДАГИ ДАВЛАТ УЛУШИ




**2025 йилнинг 1 январь ҳолатига** Фонд биржаси листингидаги **89 та** акциядорлик жамиятларидан **60 тасида** *(67,42 фоиз)* давлат улуши мавжуд бўлиб, улар томонидан **387 794 та** *(акция бозорининг умумий битимлар сонининг **89,66 фоизи**)* ёки **18,59 трлн.сўмлик** *(акция бозорининг умумий битимлар суммасининг **94,27 фоизи**)* битимлар тузилган.



### 3.5. Давлат иштирокидаги корхоналарнинг акцияларини IPO ва SPO орқали жойлаштириш

Стратегиянинг мақсадларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумат ҳужжатларига мувофиқ давлат иштирокидаги корхоналар акцияларини бирламчи ва иккиламчи оммавий таклиф этиш юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинмоқда.

Мазкур қарорлар доирасида:

1. 2024 йил 8 ноябрда **Халқчил IPO дастури доирасида “Республика товар-хомашё биржаси”** 3,3 млн. дона давлатга тегишли акциялари (4,4%) иккиламчи оммавий таклиф орқали **(SPO) 42,9 млрд сўмга 11 234** нафар **жисмоний** ва **64** та **юридик** шахсларга**;**

2. 2023 йилнинг октябрь ойида **“Ўзбектелеком” АЖ**нинг жами 5,5 млн. дона акциялари (2%) бирламчи **(IPO)** оммавий таклиф орқали **33 млрд сўмга 11 минг нафар жисмоний ва 10 та юридик шахсларга;**




3. 2023 йил 15 декабрда **“Ўзбекинвест” АЖ**нинг 14,1 млн. дона имтиёзли акциялари (5%) бирламчи оммавий таклиф орқали **(IPO) 14,1 млрд сўмга 89 нафар жисмоний ва 6 та юридик шахсларга;**

4. 2023 йил 15 февралда **“Ўзавтомоторс” АЖ**нинг 784 703 дона (устав фондининг 0,3 фоизи) акциялари **56,9 млрд сўм** қийматда **IPO орқали 1 218** нафар **жисмоний** ва **12** та **юридик** шахсларга жойлаштирилди.




Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 19 апрелдаги **ПҚ-162 ва ПҚ-163-сон** қарорларига асосан **16 та** корхоналарнинг **12 тасини** маҳаллий ва **4 тасини** халқаро фонд бозорида оммавий жойлаштириш белгиланди.

Маҳаллий фонд бозорида жойлаштириладиган акцияларни **“Халқчил IPO”** дастури доирасида жойлаштириш учун **KPMG халқаро компанияси** *Стратегик консультант* сифатида жалб қилинган ва биринчи оммавий жойлаштириш ишлари “Ўзбекистон товар хом-ашё биржаси” акциялари билан амалга оширилди.

Ҳозирда Стратегик консультант тавсиясидан келиб чиқиб, “Халқчил IPO” дастури доирасида **“Олмалиқ КМК” АЖ**нинг **2 фоиз акцияларини** оммавий савдога чиқариш механизми ишлаб чиқилмоқда.

Бундан ташқари, кейинги босқичларда **“Ўзбектелеком” АЖ** ва **“UzAuto Motors Powertrain” АЖ**ларнинг акцияларини IPO/SPO орқали оммавий жойлаштиришга тайёрлаш режалаштирилган.

Ушбу йўналишда яна бир муҳим жихат – акцияларни оммавий таклиф қилишда **фонд бозоридаги вазият ва талабларни** ҳисобга олишимиз лозим. Шунинг учун, акцияларни бирданига эмас балки босқичма-босқич таклиф қилиш режалаштирилган.

## 3.6. Халқаро кредит рейтинглари ва ESG рейтингларни олган корхоналар

Маълумки, халқаро кредит рейтинги ва ESG рейтинглари компанияларнинг молиявий барқарорлигини баҳолаш, уларнинг инвестицион жозибадорлигини ошириш, шунингдек, шаффофлик ва барқарор ривожланиш тамойилларига амал қилинишини таъминлашнинг муҳим восита ҳисобланади.

Давлат иштирокидаги йирик корхоналар томонидан 2024 йил якуни бўйича ва бугунги кунга қадар халқаро кредит ва ESG рейтингларини олишга қаратилган ижобий ишлар бошлаб юборилди.



## Халқаро кредит рейтинги

Ҳозирги кунда 15 та давлат корхонаси халқаро рейтинг агентликлари томонидан кредит рейтингларини олган бўлиб, яна 3 та корхона бўйича тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Шу билан бирга, 5 та корхона бўйича кредит рейтингларини олиш режалаштирилмаган.

Ушбу йўналишда энг фаол ҳаракатларни кон-металлургия ҳамда ёқилғи-энергетика тармоғи корхоналари амалга оширган. Жумладан, “Навоий КМК”, “Олмалиқ КМК” ва “Навоийуран” компаниялари халқаро Fitch ва S&P агентликлари томонидан доимий равишда рейтинг олиб келмоқда. Шунингдек, “Ўзметкомбинат” ва “Ўзбекгидроэнерго” компанияларига B+ ва ундан юқори рейтинглар берилган.

Шу билан бирга, айрим корхоналар бўйича паст баҳолар кузатилмоқда. Масалан, “Ўзбекнефтгаз” компанияси S&P агентлиги томонидан салбий прогноз билан баҳоланган бўлса, “Ҳудудий электр тармоқлари” ва “Иссиқлик электр станциялари” корхоналарига CCC даражасидаги рейтинг берилган, бу эса юқори молиявий хатарлар мавжудлигидан далолат беради.

## ESG рейтинги

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 23 февралдаги ПФ-23-сон Фармони 23-бандига мувофиқ, давлат иштирокидаги йирик корхоналар томонидан 2024 йилнинг 1 июлидан бошлаб, экологик, ижтимоий ва корпоратив бошқарув (ESG) ҳолати тўғрисида ҳар йили 1 июлга қадар ҳисоботни жамоатчиликка ошкор этиш амалиёти йўлга қўйилиши белгиланди.

Таъкидлаш жоизки, Фармонда назарда тутилган аксарият компаниялар томонидан ушбу амалиёт йўлга қўйилди.

Амалиётнинг мантиқий давоми сифатида ESG ни баҳолаш ёки эътироф этилган агентликлар рейтингларини олиш ҳисобланади.

Бугунги кунда жами 6 та давлат иштирокидаги корхона томонидан ESG баҳолаш жараёнидан ўтилган. Жумладан, “Навоий КМК”, “Навоийуран” ва “Ўзбекгидроэнерго” компанияларига Sustainable Fitch ва S&P Global агентликлари томонидан ESG рейтинглари берилган. Қатор бошқа компанияларда ушбу жараёнга тайёргарлик ишлари бошланган бўлса-да, давлат иштирокидаги корхоналарнинг кўпчилиги ESG баҳолашни амалга оширишни ҳали бошламаган.

Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқиб, халқаро баҳолаш механизмларини жорий этиш йўналишида дастлабки қадамлар қўйилганини таъкидлаш мумкин. Давлат иштирокидаги йирик корхоналарнинг кредит ва ESG рейтингларини олиши корпоратив масъулиятни ошириш ва халқаро стандартларга мос фаолият юритишга интилишни кўрсатади. Бироқ, ушбу жараён ҳозирча чекланган миқёсда амалга оширилмоқда.

| № | Корхона номи | Кредит рейтинг | ESG рейтинги |
|---|---|---|---|
| | **Жами** | **15 та рейтинг мавжуд (2024 й. 2 та ва 2025 йилда 1 та корхона томонидан биринчи бор олинди ва 11 та янгиланди), 3 иш жараёнида, 5 та режалаштирилмаган** | **6 та 2024-2025 йилда олинди, 1 тада иш бошланди** |
| 1 | "Навоий КМК" АЖ | *1) Fitch BB Stable (BB+) 2024 й.июль*<br>*2) S&P BB Postive (BB+) 2024 й.июль* | Sustainable Fitch 4 (2025 й. февраль) |
| 2 | "Навоийуран" ДК | *1) Fitch BB Stable (BB-) 2024 й.октябрь*<br>*2) S&P BB - Stable (BB-) 2024 й.ноябр* | Sustainable Fitch 3 (2025 й. февраль) |
| 3 | "Олмалиқ КМК" АЖ | *Fitch BB Stable (B+) 2024й. Май* | Sustainable Fitch (2025 й. февраль) |
| 4 | "Ўзметкомбинат" АЖ | *B+ Fitch (BB-дан туширилди) 2025 й.февраль* | CDP (2024 й. "C") (2025 й. "B" ) |
| 5 | "Ўзбекнефтгаз" АЖ | *1) Fitch BB Stable (B) 2024 й.ноябр*<br>*2) S&P B+ Stable (Negative дан кўтарилди) 2024 й.декабрь* | иш жараёнида |
| 6 | "Ўзтрансгаз" АЖ | *Fitch BB Stable (B+) 2025 й.июнь* | - |
| 7 | "Ҳудудгазтаъминот" АЖ | *Fitch B- 2023 й.январь* | - |
| 8 | "Ўзгазтрэйд" АЖ | *йўқ* | - |
| 9 | "Ўзбекистон миллий электр тармоқлари" АЖ | *Fitch B- 2022 й.октябрь* | - |
| 10 | "Иссиқлик электр станциялари" АЖ | *Fitch BB Stable (CCC) 2025 й.июль* | - |
| 11 | "Ҳудудий электр тармоқлари" АЖ | *Fitch BB Stable (CCC) (B- дан туширилди) 2025 й.июль* | - |
| 12 | "Ўзбекгидроэнерго" АЖ | *Fitch BB Stable (B+) 2025 й.июль* | + Sustainable Fitch (score 2) 2024 й.январь |
| 13 | "Ўзкимёсаноат" АЖ | *Fitch BB- Stable (B-) 2024й. октябрь* | S&P Global ESG Score - 29 2025 февраль |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 14 | "Навоийазот" АЖ | *Fitch BB- Stable (B-)*<br>*2024й. октябрь* | - |
| 15 | "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ | *йўқ* | - |
| 16 | "Uzbekistan Airways" АЖ | *"B+"*<br>*Fitch*<br>*2025г. апрель* | иш жараёнида |
| 17 | "Uzbekistan Airports" АЖ | *иш жараёнида*<br>*JP Morgan* | иш жараёнида |
| 18 | "Тошшаҳартрансхизмат" АЖ | *йўқ* | - |
| 19 | "Ўзавтосаноат" АЖ<br>*(UzAuto Motoros)* | *1) Fitch BB- Stable (B) 2024й.ноябрь*<br>*2) S&P B+/B*<br>*2025й.апрел* | иш жараёнида |
| 20 | "Ўзбектелеком" АК | *S&P B+*<br>*2024 й.январь* | иш жараёнида Fitch |
| 21 | "Ўзбекистон почтаси" АЖ | *йўқ* | - |
| 22 | "Ўзбеккўмир" АЖ | *йўқ* | - |



## 3.7. Молия-хўжалик фаолияти кўрсаткичлари кўрсатилган йирик корхоналар

## “ЎЗБЕКНЕФТГАЗ” АЖ

| 1. | Корхона тўғрисидаги маълумотлар | |
|---|---|---|
| | Корхона логотипи: | |
| | Ташкил қилинган йили: | 1998 |
| | Жойлашган манзили: | 100047, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳар, Истиқбол кўчаси, 21-уй. |
| | Веб-сайт манзили: | www.ung.uz |
| | Устав фонди: | 22 249 702 978 000 |
| | Давлат улуши: | 44 474 968 093 дона оддий акция (99,96%) |
| | Фаолият тури: | Табиий газ қазиб олиш |
| | Ходимлар сони: | Жами: 14025<br>(Марказий аппаратда – 796) |
| | Эркаклар/аёллар сони | Эркаклар – 12695<br>(Марказий аппаратда – 675);<br>Аёллар – 1330<br>(Марказий аппаратда – 121) |
| | Кузатув кенгаши раиси: | Ли Дмитрий Романович |
| | Ижроия органи раҳбари: | Сидиқов Баҳодиржон Баҳромович |

| 2. | Молиявий кўрсаткичлар (млрд. сўмда) | 2023 й. | 2024 й. |
|---|---|---|---|
| | Жами даромад | 18 431 | 20 482 |
| | Харажатлар | 17 863 | 17 852 |
| | Солиқ тўлангунга қадар фойда | 596 | 2 737 |
| | Соф фойда | 568 | 2 630 |
| | Бир дона акцияга даромад | бир дона имтиёзли акцияга дивиденд миқдори 125 сўм;<br>бир дона оддий акцияга дивиденд миқдори 7 сўм 71 тийин | 2024 йил якунлари бўйича Акциядорлар умумий йиғилиши ўтказилмаган. |
| | Жами активлар | 75 075 | 82 078 |

| 3. | Ишлаб чиқариш/хизматлар кўрсаткичлари | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | Махсулот/хизмат | Ўлчов бирлиги | 2023 йил | 2024 йил | Ўзгариш |
| | Табиий газ қазиб чиқариш | млн куб м | 29 222,0 | 26 808,7 | - 2 413,3 |
| | Газ конденсати қазиб (ишлаб) чиқариш | минг тн | 1 136,5 | 1 085,0 | - 51,5 |
| | Нефть қазиб чиқариш | минг тн | 76,8 | 68,2 | - 8,6 |
| | Суюлтирилган газ ишлаб чиқариш | минг тн | 549,1 | 488,2 | - 60,9 |
| | Олтингугурт ишлаб чиқариш | минг тн | 234,1 | 233,5 | - 0,6 |







| | | |
|---|---|---|
| **4.** | **Ҳисобот йилида рўй берган воқеалар, шу жумладан:** | |
| | **асосий фаолиятда** | 2024 йил якуни бўйича умумий қиймати 45,7 млн долларга тенг 2 та лойиҳа доирасида янги қувватлар ишга туширилган. Жумладан:<br>-“Татнефть-UNG” қўшма корхонаси томонидан Тошкент шаҳри ва Бухоро вилоятида умумий қиймати 2,5 млн долларга тенг 2 та автомобиль ёқилғиси қуйиш шохобчаларини қуриш ишлари якунланган. Лойиҳани ишга тушириш натижасида 38 та иш ўринларини яратиш ва аҳолини кунига ўртача 40 тн миқдорида юқори сифатли нефт-маҳсулотлари билан таъминлаш кўзда тутилган;<br>“Конларда кудуқ усти компрессор станцияларини (ҚУКС) қуриш” лойиҳаси доирасида умумий қиймати 43,2 млн доллар бўлган<br>15 тўплам кудуқ усти компрессор станцияларини қуриш ишлари якунланган ва ишга туширилган. Лойиҳани ишга тушириш натижасида жами<br>80 та янги иш ўринларини яратиш ва қўшимча 300,0 млн куб метрга яқин табий газ қазиб чиқариш кўзда тутилган.<br><br>2025 йилда умумий қиймати 306 млн долларга тенг 2 та лойиҳа доирасида янги қувватларни ишга тушириш режалаштирилган. Жумладан:<br>Қиймати 90,7 млн долларга тенг “Сургил газ-конденсат конида сиқув компрессор станциясини қуриш” лойиҳаси доирасида<br>объектни фойдаланишга топшириш натижасида 2,0 млрд куб м табиий газ босимини таъминлаш, қўшимча 400,0 млн куб м табиий газ қазиб чиқариш ҳамда 50 та иш ўрнини яратиш кўзда тўтилган.<br>(Инвестиция дастурига мувофиқ декабрь ойида ишга тушириш белгиланган); |

| | | |
|---|---|---|
| | | Қиймати 215,3 млн долларга тенг “Конларда кудуқ усти компрессор станцияларини (ҚУКС) қуриш” лойиҳаси доирасида жами 64 тўплам ҚУКС қуриш натижасида қўшимча 580,0 млн м куб табиий газ қазиб чиқариш ва жами 150 та иш ўрни яратиш кўзда тўтилган. (босқичма-босқич декабрь ойида). |
| | **корпоратив бошқарув йўналишида** | Кузатув кенгашининг 2021 йил 27 сентябрь ва 28 декабрь ҳамда 2022 йил 21 майдаги қарорларига мувофиқ Кузатув кенгаши қошида Аудит қўмитаси, Тайинлаш ва рағбатлантириш қўмитаси, Стратегия ва инвестициялар қўмитаси, Коррупцияга қарши курашиш ва этика қўмиталари ташкил қилинган.<br>2024 йилда Кузатув кенгашининг 36 та масала бўйича 12 та мажлиси ўтказилган.<br>Ягона акциядорнинг 39 та масала бўйича 18 та қарори қабул қилинган.<br>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 29 декабрдаги ПҚ-422-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Жамиятнинг устави, “Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида”ги ва “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги низомлари янги таҳрирда ишлаб чиқилди тасдиқланди.<br>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 31 июлдаги 464-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида, Жамиятнинг “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги ва Бошқарув аъзолари меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби янги таҳрирда ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. |
| | **экологик йўналишда** | ***ESG жорий этилганлиги***<br>ESG тамойиллари бўйича GRI халқаро стандартлари ва Барқарор ривожланиш ҳисоботи стандартлари (SASB) асосида 2021дан бошлаб *Барқарор ривожланиш ҳисоботи* компаниянинг корпоратив веб-сайтида эълон қилиб борилмоқда: (https://www.ung.uz/esg/esg_database).<br><br>**$CO_2$ эмиссиясини қисқартириш** доирасида метан чиқиндиларини аниқлаш ва камайтириш бўйича жаҳоннинг етакчи компаниялари билан қатор ишлар олиб борилмоқда. АҚШнинг Air Products ва Baker Hughes компаниялари билан карбонат ангидридни қайта ишлаш ва қудуқларга сиқиб киритиш (Carbon Capture and Storage) лойиҳаси амалга оширилмоқда.<br>Шу билан бирга, атмосферага ташланадиган ёки ёқиб юбориладиган метан газларини ушлаб қолиш ва қайта ишлаш орқали “Углерод бирликлари”ни жорий этиш ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек,“Vema S.A.” (Швейцария) ва “ICA-Finance AS” (Норвегия) компаниялари билан ҳамкорликда “LDAR-Метан эмиссияларини камайтириш” лойиҳаси амалга оширилмоқда. |

| | | |
|---|---|---|
| | | **Атроф-муҳитга зарарли чиқиндиларни камайтириш, дарахтлар экиш ва ҳк**<br>“Ўзбекнефтгаз” АЖ тизимидаги корхоналарда 2024 йилда атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш борасидаги тадбирларни бажарилишида зарарли моддаларни ташланиши камайтириш, уларни белгиланган меъёрда тозалаш, маънан эскирган қурилмалар ўрнига энергия тежамкор қурилмаларни қўллаш, муқобил энергия манбалардан фойдаланишни жорий қилиш, мавжуд транспорт воситаларини электромобилларга алмаштириш, янги чанг-газ тозалаш (олтингугурт ишлаб чиқариш) қурилмасини ишга тушириш ҳамда амалдаги қурилмаларда модернизация ва таъмирлаш тадбирлари олиб борилди. Олиб борилган тадбирларнинг самарадорлиги натижасида 2024 йилда атмосфера ҳавосига ташланган ташламалар миқдори белгиланган меъёрга нисбатан 69,193 минг тоннага 48,62%га кам ташланди (Амалда - 73,120 минг тонна).<br>Жамиятда Яшил макон умуммилий лойиҳаси доирасида “Ўзбекнефтгаз” АЖ бўйича 2024 йилда 348,5 минг туп дарахт кўчатлари экилиши белгиланган бўлиб, 367,0 минг туп дарахт кўчатлари экилиб, режа 105,3 %га бажарилди. Шундан баҳор мавсумида 247,5 минг туп ва куз мавсумида 119,5 минг туп дарахт кўчатлари экилди.<br>Ушбу йўналишларда олиб борилган ишлар тўғисида маълумотлар жамиятнинг расмий сайтларга киритилган |
| | **ижтимоий йўналишда** | **Ҳомийлик хайриялари**<br>Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари ҳамда Ҳукумат топшириқларига асосан “Ўзбекнефтгаз” АЖ томонидан 2024 йил давомида жами 1 131,5 млрд сўмлик ҳомийлик маблағлари ажратилди. Жумладан, футбол клублари фаолиятини ривожлантириш, нефть ва газ саноати учун малакали мутахассисларни тайёрлаш, спортчиларни қўллаб қувватлаш, иқтидорли ёшларни қўллаб қувватлаш ва бошқа ижтимоий йўналишлар учун маблағлар ажратилди.<br><br>**Ходимларни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий тадбирлар ва ҳк**<br>Ижтимоий лойиҳалар доирасида аҳоли орасида маиший даражада энергияни тежашни тарғиб қилиш, ўсмир авлод онгида атроф-муҳитни асраш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш туйғусини кучайтириш мақсадида мактаб ёшидаги болалар учун “Quvvat” номли 3D анимацион мультфильми сериали яратилди. Сериалнинг 2 мавсуми ишлаб чиқилмоқда.<br>2024 йилда "Ўзбекнефтгаз" АЖ марказий аппарати ва бошқармалари ходимларига касаба уюшмасидан |

| | | |
|---|---|---|
| | | моддий ёрдам тўловлари суммаси 2,6 млрд сўм ташкил қилди. |
| | **қўлга киритилган ютуқлар** | “Ўзбекнефтгаз” АЖнинг корпоратив кредит рейтинги халқаро рейтинг агентликлари томонидан қуйидагича тасдиқланди:<br>- “Fitch Ratings” томонидан 2024 йил 20 ноябрда «BB-» «барқарор» прогнози билан;<br>- “S&P Global Ratings” – томонидан 2024 йил 29 ноябрда «B+» «барқарор» прогнози билан (рейтинг прогнози ўтган йилги «салбий» прогноздан «барқарор» прогнозига кўтарилди).<br><br>2024 йил давомида Халқаро стандартларга асосланган бошқарув тизимлари жумладан:<br>Устюрт газ қазиб чиқариш бошқармасида ISO 9001:2015, ISO 14001:2015, ISO 45001:2018, ISO 50001:2018;<br>Газли нефть ва газ қазиб чиқариш бошқармасида ISO 50001:2018 жорий қилинди.<br>Халқаро стандартларга асосланган бошқарув тизимлари қайта сертификатлаштирилган корхоналар:<br>Шўртан газ кимё мажмуасида EN ISO 9001:2015, EN ISO 14001:2015, EN ISO 45001:2018, EN ISO 50001:2018;<br>Муборак газни қайта ишлаш заводи ISO 50001:2018;<br>Муборак нефть ва газ қазиб чиқариш бошқармасида ISO 9001:2015, ISO 14001:2015, ISO 45001:2018, ISO 50001:2018;<br>Шўртан нефть ва газ қазиб чиқариш бошқармасида ISO 9001:2015, ISO 14001:2015, ISO 45001:2018, ISO 50001:2018. |

# “ОЛМАЛИҚ КМК” АЖ

| 1. | **Корхона тўғрисидаги маълумотлар** | |
|---|---|---|
| | Корхона логотипи: | |
| | Ташкил қилинган йили: | 1997 йил |
| | Жойлашган манзили: | 110100, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳри, Амир Темур кўчаси, 53-уй. |
| | Веб-сайт манзили: | www.agmk.uz |
| | Устав фонди: | 2 808 759 251 282,0 сўм |
| | Давлат улуши: | 98,74 фоиз |
| | Фаолият тури: | Ишлаб чиқариш |
| | Ходимлар сони: | 34 760 |
| | Эркаклар/аёллар сони | 27 093 нафар эркак ва 7 667 нафар аёл |
| | Кузатув кенгаши раиси: | Арипов Абдулла Нигматович |
| | Ижроия органи раҳбари: | Хурсанов Абдулла Халмурадович |

| 2. | **Молиявий кўрсаткичлар (млн. сўмда)** | **2023 й.** | **2024 й.** |
|---|---|---|---|
| | Жами даромад | 33 508 530,3 | 41 505 428,1 |
| | Харажатлар | 22 527 390,5 | 28 147 757,1 |
| | Солиқ тўлангунга қадар фойда | 10 981 139,8 | 13 357 671,0 |
| | Соф фойда | 6 711 128,3 | 7 712 772,6 |
| | Бир дона акцияга даромад | 11 942,26 | 10 327,57 |
| | Жами активлар | 55 093 947,4 | 73 116 805,5 |

| 3. | **Ишлаб чиқариш/хизматлар кўрсаткичлари** | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | **Маҳсулот/ хизмат** | **Ўлчов бирлиги** | **2023 йил** | **2024 йил** | **Ўзгариш** |
| | **Ишлаб чиқариш ҳажми** | **млрд сўм** | **31 671,3** | **38 147,7** | **6 476,4** |
| | Асосий маҳсулотлар кесмида | | | | |
| 1. | Мис | тонна | 148 500 | 137 400 | -11 100 |
| 2. | Олтин | кг | 17 413,8 | 17 016,6 | -397,2 |
| 3. | Кумуш | кг | 162 328,5 | 141 984,5 | -20 344 |
| 4. | Рух | тонна | 75 440 | 66 955 | -8 485 |







| 4. | **Ҳисобот йилида рўй берган воқеалар, шу жумладан:** | |
|---|---|---|
| | **корпоратив бошқарув йўналишида** | - Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 19 апрелдаги ПҚ-163-сон қарорига мувофиқ Корпоратив котибият ташкил этилди;<br>- Кузатув кенгаши таркибига мустақил аъзолар киритилди *(T.Chikanza, A.Blumhardt)*;<br>- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 31 июлдаги қарорига мувофиқ мустақил аъзолар билан шартномалар расмийлаштирилди;<br>- Кузатув кенгаши қошидаги қўмита аъзоларининг янги таркиби сайланди ва қўмиталар иш фаолияти такомиллашти-рилди;<br>- Йил давомида:<br>37 та Кузатув кенгаши мажлислари ўтказилди *(чорак, йиллик ҳисоботларни тасдиқлаш, Бошқарув аъзоларини тасдиқлаш, шартнома лойиҳаларини тасдиқ-лаш, низомларни тасдиқлаш, Уставни тасдиқлаш, ташқи аудиторлик ташкилотини белги-лаш, кредит масалаларини маъқуллаш)*;<br>6 та Ягона акциядор қарорлари қабул қилинди *(Кузатув кенгаши янги таркибини сайлаш, Уставни янги таҳририни тасдиқлаш, йиллик ҳисоботларни тасдиқлаш, соф фойдани тақсимлаш, жамиятнинг янги тузилмасини тасдиқлаш, устав капиталини янги акциялар чиқариш йўли билан ошириш).*<br>- 2023 йил якунлари бўйича “Winvestmen Consult” аудиторлик ташкилоти томонидан “Олмалиқ КМК” АЖнинг корпоратив бошқарув тизими баҳоланди *(819 балл – юқори кўрсаткич)*;<br>- “Олмалиқ КМК” АЖнинг янги таҳрирдаги Устави ишлаб чиқилди;<br>***(маълумот учун: “Олмалиқ КМК” АЖнинг акциядорлари Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, Давлат активларини бошқариш агентлиги, 17 та юридик корхона ва 22812 та акциядор жисмоний шахслар)*** |
| | **экологик йўналишда** | Fitch Sustainability агентлиги томонидан **3** даражали ESG-рейтинг ва **56**-балл баҳоси берилди. Иссиқхона |

| | | |
|---|---|---|
| | | газлари эмиссиясини (**Scope 1 + Scope 2**) ҳисоблаш методологияси ишлаб чиқилди ва тадбиқ этилди. Бажарилган чора-тадбирлар натижасида 2022 – 2024 йиллар оралиғида иссиқхона газлари ажралиб чиқиши пасайишига эришилди. “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида 2024 йилнинг баҳор ва куз ойларида 1,5 млн. дан ошиқ кўчатлар экилди.<br>Ҳозирда “Олмалиқ КМК” АЖнинг Иқлим стратегиясини ишлаб чиқиш бўйича тендер жараёни якунланди. Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликда IFRS S1 ва S2 ҳисоботларини тайёрлаш ишлари бажарилмоқда. |
| | **ижтимоий йўналишда** | 1. 2024 йилнинг 25 декабридан 2025 йил 19 январига қадар Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманида жойлашган “Санта Клаус қишлоғи” номли кўнгилочар паркига 10 000 дона чипталар харид қилиниб “Олмалиқ КМК” АЖ ишчи-ходимларининг фарзандларини дам олишлари ташкиллаштирилди.<br>2. “Олмалиқ КМК” АЖ тасарруфидаги 5 та болалар соғломлаштириш оромгоҳларида ёзги мавсумга тайёргарлик ишлари тугатилди.<br>3. “Олмалиқ КМК” АЖ ва Олмалиқ шаҳри бўйича маданий ва байрам тадбирлари “Металлург” маданият саройида ўтказиб келинмоқда. Шунингдек, саройда “Олмалиқ КМК” АЖ ишчи-ходимларининг фарзандларини бўш вақтини мазмунли ўтказишни таъминлаш мақсадида 25 та бадиий ҳаваскорлик жамоалари мавжуд бўлиб, 500 нафардан зиёд бола (5-28 ёшгача) қатнашмоқда.<br>4. “Олмалиқ КМК” АЖ ходимлари ҳамда оила аъзоларини соғломлаштириш учун жорий йилнинг 5 ойи давомида Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерациясига қарашли санаторийларда, касаба уюшмаси (106 та) ҳамда ижтимоий суғурта (224 та) ҳисобидан жами 330 та йўлланмалар ажратилди. Шу билан бир қаторда, “Аппартак” санаторийси учун 92 та йўлланма, “Янгийўл” кўп тармоқли кардиологик санаторийсига 187 та йўлланма ҳамда Севарсой санаторийсига 227 та йўлланма ажратилди ҳамда Санаторий-профилакторий даволаш масканида 1 904 нафар “Олмалиқ КМК” АЖ ишчи-ходимлари ва уларнинг оила аъзолари соғлиқларини тиклашди.<br>5. “Весна” мехмонхонасининг 2-биноси сиғими 51 та хона 120 та ўрин. Жорий йилнинг 5 ойида (койко-дней) 5 436 нафар меҳмонлар ва ишчи-ходимлар хизмат сафари даврида меҳмонхонага жойлаштирилди.<br>6. “Олтин олма” пансионатида жорий йилнинг 5 ойи давомида (койко-дней) 7 149 нафар “Олмалиқ КМК” АЖ ишчи-ходимлари ва уларнинг оила аъзолари мароқли дам олишди. |

| | | |
|---|---|---|
| | | 7. “Мовий тоғлар” дам олиш маскани 120 ўриндан иборат бўлиб, “Олмалиқ КМК” АЖ ишчи-ходимлари ва уларнинг оила аъзолари дам олишларига мўлжалланган. Жорий йилнинг 5 ойи давомида (койко-дней) 2 867 нафар “Олмалиқ КМК” АЖ ишчи-ходимлари ва уларнинг оила аъзолари дам олишди.<br>8. 2025 йил IV чораги давомида, “Олмалиқ КМК” АЖ, вафот этган пенсионерларни дафн этиш билан боғлиқ барча харажатларни, шу жумладан транспортни таъминлаш, тобут ва вақтинчалик ёдгорликлар тайёрлаб беришни ўз зиммасига олади. “Олмалиқ КМК” АЖ марҳумнинг қариндошларига Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган энг кам иш ҳақининг 3,28 баравари миқдорида бир марталик моддий ёрдам кўрсатади.<br>“Олмалиқ КМК” АЖ томонидан аризалар бўйича даволанишга<br>ва дафн маросими учун моддий ёрдам кўрсатилди.<br>2025 йил 5 ойи давомида “Олмалиқ КМК” АЖнинг 297 нафар пенсионерлари “Нуроний” пенсионерлар уйида дам олдилар ва улар учун бепул тушликлар ташкил қилинди. 3 ойда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига (33 нафар), “Ўзбекистон қаҳрамони” унвони соҳиблари бўлган “Олмалиқ КМК” АЖнинг собиқ ходимларига 7 хил озиқ-овқат тўпламлари ажратилди.<br>Шунингдек, иш берувчи ва “Олмалиқ КМК” АЖ касаба уюшмаси қўмитаси томонидан тасдиқланган рўйхатларга биноан, Наврўз, Кончилик ва металлургия саноати ходимлари куни Рамазон ҳайити байрамларида Олмалиқ шаҳрида яшовчи иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва Ўзбекистон қаҳрамонларига 9 хил озиқ-овқат тўпламлари (179 дона) ажратилди.<br>9. 2025 йил 5 ой давомида Наврўз умумхалқ байрами ва Ўзбекистон Республикаси кончилик ва металлургия саноати ходимлари куни муносабати билан “Олмалиқ КМК” АЖнинг ҳар бир корхонасида баҳор таомлари билан безатилган байрам дастурхони ва маданий тадбирлар ташкиллаштирилди.<br>Олмалиқ шаҳрида жойлашган 6-сонли ихтисослаштирилган мактабидаги тарбияланувчиларга, 80-сонли кар-соқов ва заиф кўрувчи болалар учун мўлжалланган махсус мактаб-интернатидаги тарбияланувчиларга, Тошкент вилояти Пискент туманида жойлашган 79-сонли махсус мактаб-интернатидаги тарбияланувчиларга, Ангрен шахарида жойлашган 34 ва 9-сонли махсус мактаб-интернат, Охангарон, Сариосиё туманларида жойлашган “Саховат” ва “Мурувват” уйида яшайдиган қарияларга “Наврўз” |

| | | |
|---|---|---|
| | | умумхалқ байрами ва Ўзбекистон Республикаси кончилик ва металлургия саноати ходимлари куни муносабати билан байрам дастурхони ва концерт дастури ташкил этилди.<br>“Олмалиқ КМК” АЖ томонидан Наврўз умумхалқ байрамини ва Ўзбекистон Республикаси кончилик ва металлургия саноати ходимлари куни муносиб нишонлаш мақсадида таркибий бўлинмалар ва ихтисослаштирилган муассасаларда байрам оши учун мўлжалланган маҳсулотлар харид қилинди.<br>Шунингдек, Маданият саройи атрофи ва Ёшлар боғи ҳудудида “Олмалиқ КМК” АЖ таркибий бўлинмалари томонидан “Қадриятларинг боқий бўлсин, Наврўз!” шиори остида қардош халқлар ва уларнинг урф-одатларини намоён қилувчи маданий тадбирлар, жумладан, ўзбек ва қардош халқларнинг миллий урф-одатлари, миллий ўйинлари, баҳор таомлари, ҳамда кўргазмаларни ўзида жамлаган сайл тадбири ўтказилди.<br>Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси кончилик ва металлургия саноати ходимлари куни муносабати билан “Олмалиқ КМК” АЖ спорт мажмуасида эстрада юлдузлари иштирокида гала-концерт ўтказилди.<br>2025 йилнинг 5 ойи давомида “Олмалиқ КМК” АЖнинг ҳомийлик ишлари:<br>- Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри, 1-Кўптармоқли марказий поликлиникасида таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда;<br>- Олмалиқ шаҳар, А. Темур кўчасида жойлашган “Олтин олма” хиёбонида мармар қопламаларини демонтаж ишлари олиб борилмоқда;<br>- Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани “Главасай” қишлоғида тамирлаш ишлари;<br>- Олмалиқ шаҳар, “Сўфи Оллоёр” МФЙда устунлар ўрнатиш ишлари;<br>- Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекситонда 46-жахон шахмат олимпиадасига тайёргарлик кўриш ва 2026 йилда шахматни оммавий харакатда тарғиб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2023 йил 8 майдаги ПҚ-150-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Самарқанд шаҳрида халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан (шахмат бўйича аёллар чемпионати) III-халқаро турнирни ўтказишга кўмаклашиш;<br>- Ўзбекистонда Волейболни ривожлантириш учун ҳомийлик маблағлари ажратилди;<br>- Ўзбекистонда Таэкван-до спорт туриини ривожлантириш учун ҳомийлик маблағлари ажратилди;<br>- Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги Киномотография агентлигига ҳомийлик маблағлари ажратилди; |

| | | |
|---|---|---|
| | | - “Эделвейс” халқ рақс ансамбли аъзоларини Челябинск Давлат Маданият институти билан режалаштирилган “Дўстликнинг рақс кўприклари: Жанубий Урал-Ўзбекистон” ижодий лойиҳасида иштирокини ташкил этиш;<br>- Пара камондан отиш спорт тури бўйича иқтидорли спортчи Абдуназарова Мавлудахон Рахимжон қизини қўллаб-қувватлаш мақсадида, унга замонавий пара камондан отиш спорт анжоми тўпламини харид қилиш учун “Олмалиқ КМК” АЖ ҳисобидан маблағ ажратилди.<br>- Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Янги Ўзбекистон” массивларини қуриш ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 9 декабрдаги ПФ-32-сон Фармони ижросини таъминлаш, шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож ходимларни турар-жой билан таъминлаш мақсадида, Олмалиқ шаҳар Янги Ўзбекистон массивида “Innovabuild” MChJ томонидан қуриб битказилган 16 қаватли турар-жой мажмуаларидаги тайёр хонадонлар учун “Олмалиқ КМК” АЖ томонидан 37 нафар ишчи-ходимларга бошланғич тўлов ажратилди. |
| | **қўлга киритилган ютуқлар** | “Олмалиқ КМК” АЖнинг профили халқаро илғор тажрибалар ва масъулиятли молиялаштириш стандартларига мувофиқлиги бўйича таҳлил қилинди. Натижада қуйидаги халқаро стандартлар бўйича сертификатлар олинди: ISO 50001:2018 – Энергия менежменти тизими;<br>ISO14001:2015 – Атроф-муҳитни бошқариш тизими;<br>ISO 45001:2018 – Меҳнат муҳофазаси ва саноат хавфсизлиги бошқарув тизими. |

## “ИССИҚЛИК ЭЛЕКТР СТАНЦИЯЛАРИ” АЖ

| 1. | Корхона тўғрисидаги маълумотлар | |
|---|---|---|
| | Корхона логотипи: | IES ISSIQLIK ELEKTR STANSIYALARI AJ |
| | Ташкил қилинган йили: | 2019 йил |
| | Жойлашган манзили: | Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳ кўчаси, 23-уй |
| | **экологик йўналишда** | Германия халқаро ҳамкорлик жамияти (GIZ) “Нитрат кислота” Иқлим ташаббускор гуруҳи котибияти (NACAG) билан ҳамкорликда азот оксидини атмосферага чиқарилишини босқичма-босқич камайтириш лойиҳаси бўйича “Navoiyazot” АЖ ўртасида 2023 йил 14 ноябрда 81297660-сонли грант келишуви имзоланди. 2024 йилда келишув асосида “Navoiyazot” АЖ томонидан корхонанинг 1-, 2- ва 3-агрегатларида чиқинди азот (I) оксидлари миқдорини кескин камайтириш учун иккиламчи катализатор технологиясини тадбиқ этиш бўйича тендер олди бозорни ўрганиш ишлари амалга оширилди.<br>2024 йил куз ва баҳор мавсумларида “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида корхона томонидан 200 минг дона кўчатлар, қаламчалар ва буталар экилди.<br>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 12 декабрдаги “Навоий вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-430-сон Қарорининг 2-банди, 2-хатбошига асосан 2025 йилда йирик корхоналар томонидан ташкил этиладиган “Яшил белбоғ” учун “Navoiyazot” АЖга жами 85 га ер майдонига (баҳор мавсумида 50 га, куз мавсумида 35 га) кўчатлар экиш белгиланган.<br>Бундан ташқари, 2024 йилда жамиятга қарашли ишлаб чиқариш цехларидаги биноларга умумий қуввати 3 000 кВт бўлган қуёш фотоэлектр станциялари ўрнатилиб, 0,7 млн кВт соат электр энергияси тежалишига ёки 0,5 млрд сўм иқтисод қилинишига эришилди. |
| | **ижтимоий йўналишда** | 2024 йилда “Navoiyazot” АЖ томонидан Ҳукумат фармойиш ва қарорлари ҳамда йиғилиш баённомаларига асосан 49,5 млрд. сўмлик ҳомийлик ёрдамлари кўрсатилди. Шунингдек, корхонанинг ишлаб чиқариш ва цехларида фаолият олиб бораётган кўп болали, ногирон фарзанди бор ва ижтимоий |

| | | |
|---|---|---|
| | | ҳимояга муҳтож бўлган ишчи-ходимларга ҳамда ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодиса сабабли вафот этган ишчи-ходимларнинг оилаларига ва уларнинг фарзандларига, шунингдек ишлаб чиқариш ногиронларига ва якка-ёлғиз пенсионерларга озиқ-овқатлар тўплами, ўқув қуроллари ҳамда моддий ёрдамлар кўрсатилди.<br>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 12 апрелдаги ПФ–108-сонли Фармонига асосан жамият ишчи ва ходимларининг меҳнат унумдорлигини ошириш мақсадида, 10% миқдорида ойлик иш ҳақи оширилди.<br>Корхона ишчи-ходимлари ўртасида оммавий спорт тадбирларини ташкил этиш ва уларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш мақсадида, 2024 йил учун ҳафталик ва ойлик спорт тадбирлари ўтказиш режаси ишлаб чиқилиб, режага асосан ишлаб чиқариш ва цехлар ўртасида спортнинг минифутбол, волейбол, стол тенниси, шашка-шахмат, енгил атлетика каби турлари бўйича спорт мусобақалари ўтказиб келинди.<br>Ички туризмни ривожлантириш дастури доирасида корхона хотин-қизлари, ёшлари ва пенсионерлар учун Жиззах ва Қашқадарё вилоятларига, шунингдек Бухоро, Тошкент, Самарқанд ва Хива шаҳарларига зиёратлар ташкил этилди. Зиёратчиларнинг муносиб хордиқ олишлари учун жамият касаба уюшма қўмитасидан маблағлар ажратилди. |
| | **қўлга киритилган ютуқлар** | 2024 йилда товар маҳсулот ҳажми – 6 125,3 млрд. сўмни ташкил этди, жумладан аммиакли селитра 766,4 минг тонна, карбамид 579,9 минг тонна ва нитрат кислотаси 655,0 минг тонна ишлаб чиқарилди. Шунингдек, 2024 йилда корхона томонидан 107,3 млн. долларлик маҳсулотлар экспорт қилинди.<br>2024 йилда ишлаб чиқариш қувватлари режа кўрсаткичларини бажариш орқали 81,1 млрд. сўм соф фойда олинишига эришилди, шунингдек Давлат бюджетига 530,9 млрд. сўмлик солиқ ва мажбурий тўловлар тўланиши таъминланди.<br>Бундан ташқари, 2024 йилнинг январь ойида ISO 37001:2016 халқаро стандарти талабларига мувофиқ “CERT International” халқаро тренинг компанияси томонидан жамиятнинг “Коррупцияга қарши курашиш” менежмент тизими бўйича 1-назорат аудити муваффақиятли якунланди ва ISO 37001:2016 халқаро мувофиқлик сертификати мувофиқлиги тасдиқланди.<br>Шунингдек, 2024 йилнинг август ойида Жамиятнинг “Аммиак ва карбамид” ишлаб чиқариш цехларига |

| | | |
|---|---|---|
| | | хизмат қилувчи синов лабораторияси ISO/IEC 17025:2017 (O‘zDSt ISO/IEC 17025:2019) “Синов ва калибрлаш лабораториялари компетентлигига умумий талаблар” халқаро стандарти талабларига мувофиқ, “Ўзбекистон аккредитация маркази” ДМ томонидан 1-даврий баҳолаш аудити мувоффақиятли ўтказилди ва аккредитация гувоҳномаси мувофиқлиги тасдиқланди.<br>2024 йилнинг ноябрь ойида Уйғунлашган бошқарув тизимларининг ISO 9001:2015, ISO 14001:2015, ISO 45001:2018 ва ISO 50001:2018 халқаро стандарти талабларига мувофиқ, “DQS Quality Systems” халқаро сертификатлаштириш ташкилоти томонидан ISO 9001:2015 “Сифат менежмент тизимлари”, ISO 14001:2015 “Экологик менежмент тизимлари”, ISO 45001:2018 “Соғлиқни сақлаш ва меҳнат хавфсизлигини менежмент тизимлари” ва ISO 50001:2018 “Энергетика менежмент тизимлари” бўйича 1-назорат аудитидан муваффақиятли ўтиши натижасида халқаро сертификатларга мувофиқ деб топилди ва аудит хулосалари олинди. “Navoiyazot” АЖнинг 2023 йил якуни бўйича барқарор ривожланиш ва “ESG” стратегияси бўйича 2030 йилгача комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш ҳисоботини ишлаб чиқиш ва уни тайёрлаш хизматини амалга ошириш учун “KPMG аудитор” ташкилоти билан тузилган шартномага асосан “Navoiyazot” АЖнинг 2023 йил якуни бўйича барқарор ривожланиш “ESG” ҳисоботи ишлаб чиқилди. |

# “ЎЗАВТОСАНОАТ” АЖ

| 1. | **Корхона тўғрисидаги маълумотлар** | |
|---|---|---|
| | **Корхона логотипи:** | UzAuto |
| | **Ташкил қилинган йили:** | 11 май 1994 йил |
| | **Жойлашган манзили:** | Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 13-уй |
| | **Веб-сайт манзили:** | https://uzavtosanoat.uz |
| | **Устав фонди:** | 1 822 920 958 719,0 сўм |
| | **Давлат улуши:** | 100 фоиз |
| | **Фаолият тури:** | Автомобилсозлик корхоналари ҳамда автомобилларни маҳаллийлаштириш ва автокомпонентлар ишлаб чиқариш корхоналарини мувофиқлаштирувчи компания. |
| | **Ходимлар сони:** | 109 нафар |
| | **Эркаклар/аёллар сони** | 99 нафар эркак 10 нафар аёл |
| | **Кузатув кенгаши раиси:** | Кўчқоров Жамшид Анварович |
| | **Ижроия органи раҳбари:** | Розукулов Улуғбек Убайдуллаевич |

| 2. | **Молиявий кўрсаткичлар (млн. сўмда)** | **2023 й.** | **2024 й.** |
|---|---|---|---|
| | Жами даромад | 358 948,74 | 298 834,23 |
| | Харажатлар | 318 641,11 | 150 069,71 |
| | Солиқ тўлангунга қадар фойда | 40 307,62 | 148 764,58 |
| | Соф фойда | 34 851,65 | 135 758,67 |
| | Бир дона акцияга даромад* | 50,0 тийин | ҳисобланмаган |
| | Жами активлар | 5 842 080,74 | 7 069 094,16 |

**3. Ишлаб чиқариш кўрсаткичлари**

| № | Маҳсулот номи | Ўлчов бирлиги | 2023 йил | 2024 йил | Ўзгариш |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Енгил автомобиллар, ш.ж.: | дона | 395 395 | 395 907 | 512 |
| | *CHEVROLET* | *дона* | *395 395* | *391 903* | *-3 492* |
| | *BYD* | *дона* | *-* | *4 004* | *4 004* |
| 2. | Автомобиль двигателлари | дона | 269 247 | 269 943 | 696 |
| 3. | Қишлоқ хўжалиги техникалари | дона | 3 525 | 3 828 | 303 |






| 4. | **Ҳисобот йилида рўй берган воқеалар, шу жумладан:** | |
|---|---|---|
| | **асосий фаолиятда** | **2024 йилда** таркиб корхоналари томонидан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми **71,4 трлн сўм**, ўсиш суръати 2023 йилнинг мос даврига нисбатан **105,2 фоизни** ташкил этди. Хусусан, **391,9 минг дона** CHEVROLET автомобиллари, **4,0 минг дона** BYD автомобиллари, **369,9 минг дона** автомобиль двигателлари ва **3 828 дона** қишлоқ хўжалиги техникалари ишлаб чиқарилди. |
| | **корпоратив бошқарув йўналишида** | Тегишли барча корпоратив ҳужжатлар Компания бошқарув органлари томонидан тасдиқланган.<br>Компания кузатув кенгаши ҳузурида Аудит, Стратегия ва инвестиция, Тайинлаш ва рағбатлантириш ҳамда Коррупцияга қарши куршиш ва этика қўмиталари ташкил этилган.<br>2024 йил давомида Компаниянинг Ягона акциядори томонидан 8 та қарор қабул қилинган ва Кузатув кенгашнинг 12 та баёни расмийлаштирилган. |
| | **экологик йўналишда** | “UzAuto Motors” АЖ томонидан 2023 йил учун мўлжалланган “Барқарор ривожланиш тўғрисида”ги ҳисоботни 2024 йил сентябрь ойида эълон қилди.<br>Ҳисобот халқаро стандартларга мувофиқ, “Ernst & Young Advisory” МЧЖ иштирокида тайёрланди ва республикадаги компаниялар орасида энг юқори ошкораликка эга ҳисобот сифатида эътироф этилди.<br>2024 йил ҳисоботини мустақил тайёрлаш ва ташқи аудитдан ўтказиш режалаштирилиб, апрель ойида тендер эълон қилинди. Лойиҳани амалга ошириш учун ишчи гуруҳ тузилиб, “UzAssets” АЖ билан ҳамкорликда ишлар олиб борилмоқда.<br>“Ўзавтосаноат” АЖ таркибидаги корхоналар томонидан 2024 йил баҳор-куз мавсумида “Яшил макон” доирасида атроф-муҳитга таъсир хавфи бўйича юқори ва ўрта даражадаги хавфли тоифага мансуб саноат корхоналари томонидан “яшил белбоғ” барпо этиш бўйича 76,7 минг туп дарахтлар экилди. |
| | **ижтимоий йўналишда** | “Ўзавтосаноат” АЖ томонидан ходимлар ва уларнинг оила аъзолари учун соғломлаштириш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш чоралари кўрилди. 20 га яқин ходимлар оиласи билан дам олиш масканларига юборилди, 300 га яқин ходим “Қизил Сув”да ҳордиқ чиқарди, 50 дан ортиқ бола “Sokol” оромгоҳида дам олди, 50 нафар ходим эса “Clinic Pro” клиникасида тиббий кўрикдан ўтди. 2024 йил декабрь ойида стол тенниси, шахмат ва дартс бўйича спартакиада, март–апрель ойларида эса тизим корхоналари ўртасида футбол бўйича “Ўзавтосаноат кубоги” мусобақаси ўтказилди |

# “ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ” АЖ

| 1. | **Корхона тўғрисидаги маълумотлар** | |
|---|---|---|
| | Корхона логотипи: | O‘ZBEKISTON TEMIR YO‘LLARI Aksiyadorlik jamiyati |
| | Ташкил қилинган йили: | 7.11.1994 й. |
| | Жойлашган манзили: | Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Т.Шевченка 7 уй |
| | Веб-сайт манзили: | http://railway.uz/ru/ |
| | Устав фонди: | 3 848 482 588 440 сўм |
| | Давлат улуши: | 100 фоиз |
| | Фаолият тури: | Темир йўл транспортининг барқарор ва самарали ишлашини, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, транспорт хизматлари даражасини ошириш, юк ва йўловчиларни ташиш бўйича хизматлар кўрсатиш |
| | Ходимлар сони: | 64711 |
| | Эркаклар/аёллар сони | 53022 нафар эркак 11689 нафар аёл |
| | Кузатув кенгаши раиси: | Раматов Ачилбай Джуманиязович |
| | Ижроия органи раҳбари: | Нарзуллаев Зуфар Ғиёсович |

| 2. | **Молиявий кўрсаткичлар (млн. сўмда)** | **2023 й.** | **2024 й.** |
|---|---|---|---|
| | Жами даромад | 12 998 929 | 17 1876 585 |
| | Харажатлар | 15 227 040 | 17 075 0127 |
| | Солиқ тўлангунга қадар фойда | -2 228 111 | 111 458 |
| | Соф фойда | -2 228 111 | 46 588 |
| | Бир дона акцияга даромад | - | 5.2 сўм |
| | Жами активлар | 40 206 981 | 44 064 613 |

| 3. | **Ишлаб чиқариш/хизматлар кўрсаткичлари** | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| **№** | **Маҳсулот/хизмат** | **Ўлчов бирлиги** | **2023 йил** | **2024 йил** | **Ўзгариш** |
| **1** | Юк айланмаси | Млрд тонна-км | 27.08 | 27.47 | 101.4 |
| **2.** | Йўловчи айланмаси | Млрд йўловчи- км | 3.9 | 4.1 | 103.8 |






| 4. | Ҳисобот йилида рўй берган воқеалар, шу жумладан: | |
|---|---|---|
| | **асосий фаолиятда** | Юк жўнатиш ҳажми 74,0 млн тонна (2023 йилга нисбатан 100,3 фоиз), юк айланмаси ҳажми 27,47 млрд тонна-км (101,4 фоиз), йўловчи ташиш ҳажми 10,0 млн йўловчи (101,2 фоиз), йўловчи айланмаси 4,1 млрд йўловчи-кмга (103,8 фоиз) етказилди.<br>Жорий йил Инвестиция дастурига мувофиқ 2025 йилда 13 та лойиҳани амалга ошириш белгиланган.<br>2025 йил режасига асосан жамият бўйича жами ўзлаштириш – 336,59 млн. АҚШ доллари миқдорида режалаштирилган.<br>Ишлаб чиқилган 2026 йил Инвестиция дастури лойиҳасига таклифга мувофиқ 15 та лойиҳа доирасида - 339,79 млн. АҚШ доллар ўзлаштириш режалаштирилмоқда.<br>Катта миқдордаги маблағларни “Бухоро-Урганч-Хива” ва “Мискин-Нукус” темир йўл линияларини электрлаштириш, "Ангрен-Поп-Қўқон-Андижон-Хонобод" темир йўл участкасини модернизация қилиш”, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ локомотив паркини янгилаш ва модернизация қилиш”, “Электрлаштирилган юқори тезликдаги Навои-Бухоро темир йўл линиясининг иккинчи йўлини қурилиши ҳамда юк ва йўловчи вагонларини қуриш, темир йўлларни реабилитация қилишга сарфлаш режалаштирилмоқда. |
| | **корпоратив бошқарув йўналишида** | Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Бизнес муҳитини такомиллаштириш ва хусусий секторни ривожлантириш орқали барқарор иқтисодий ўсиш учун шарт-шароитлар яратишга оид навбатдаги ислоҳотлар тўғрисида" 2022 йил 8 апрелдаги ПФ-101-сон Фармонига мувофиқ “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ кузатув кенгаши таркибида 4 та қўмита ташкил этилган:<br>1. Стратегия ва инвестициялар қўмитаси<br>2. Аудит ва таваккалчиликлар қўмитаси<br>3. Номзодлар ва мукофотлаш қўмитаси<br>4. Этика ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси<br>“Ўзбекистон темир йўллари” АЖ Корпоратив бошқарув тизимини янада такомиллаштириш мақсадида, Жамиятнинг Ягона акциядори – Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан давлат иштирокидаги корхоналар кузатув кенгашлари таркибига малакали мустақил аъзолар жалб қилинди. Буганги кунда Жамият кузатув кенгаши таркиби 2 та мустақил аъзодан иборат бўлиб, улар билан 4 та Кузатув кенгаши йиғилиши ўтказилиб, 38 та масала бўйича қарорлар қабул қилинган. |
| | **экологик йўналишда** | Саноат корхоналарида атроф-муҳитга зарарли чиқинди ва газларни камайтириш бўйича йиллик чора-тадбирлар ишлаб чиқилган, махсус филтрлар |

| | | |
|---|---|---|
| | | қўйилган, яшил макон дастури доирасида корхона ҳудудида манзарали дарахт кўчатлари ҳар йили тасдиқланган режага мувофиқ экиб келинмоқда. |
| | **ижтимоий йўналишда** | “Наврўз” умумхалқ байрами, 9-май Хотира ва қадрлаш куни, Темирйўлчилар куни, Янги йил ва бошқа байрамлар арафасида пенсионерлар ҳолидан хабар олинди. Жамият раҳбарияти томонидан уларга моддий ёрдам, байрам совғалари ва озиқ овқат тўпламлари (поёк) тақдим этилди. Бундан ташқари юқорида кўрсатилган байрам кунлари соҳа ходимлари учун байрам концерт дастурлари ҳамда байрам дастурхонлари ташкил этилди. |
| | **қўлга киритилган ютуқлар** | 2024 йил давомида Жамият таркибидаги корхона ва ташкилотларда фаолият юритаётган ишчи-ходимларнинг 7 нафари Давлат мукофотлари, 51 нафари Фахрий темирйўлчи белгиси, яна 3 нафари бошқа медаллар билан тақдирланди.<br>Саноат корхоналарида ISO 9001 – сифат менежменти ва ISO 50001 – энергия менежменти жорий этилган. |

# “UZBEKISTAN AIRWAYS” АЖ

| 1. | Корхона тўғрисидаги маълумотлар | |
|---|---|---|
| | Корхона логотипи: | UZBEKISTAN AIRWAYS |
| | Ташкил қилинган йили: | 07.08.2019 |
| | Жойлашган манзили: | Тошкент ш., Амир Темур к., 41 |
| | Веб-сайт манзили: | www.uzairways.com |
| | Устав фонди: | 4 263 240 341 500 сўм |
| | Давлат улуши: | 100% |
| | Фаолият тури: | йўловчи ва юк ташиш, тижорат парвозларини амалга ошириш ҳамда авиация инфратузилмасини бошқариш |
| | Ходимлар сони: | 3042 |
| | Эркаклар/аёллар сони | 1304 нафар эркак ва 1738 нафар аёл |
| | Кузатув кенгаши раиси: | Норкулов Илҳом Иброхимович |
| | Ижроия органи раҳбари: | Худайқулов Шухрат Шавкатович |

| 2. | Молиявий кўрсаткичлар (млн. сўмда) | 2023 й. | 2024 й. |
|---|---|---|---|
| | Жами даромад | | 18 678 641,21 |
| | Харажатлар | 15 769 661,55 | 17 991 169,56 |
| | Солиқ тўлангунга қадар фойда | 411 376,50 | 810 408,85 |
| | Соф фойда | 802,25 | 122 937,39 |
| | Бир дона акцияга даромад | 9 сўм 63 тийн | йуқ |
| | Жами активлар | 16 408 млрд. сўм | 18 332 млрд. сўм |

| 3. | Ишлаб чиқариш/хизматлар кўрсаткичлари | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| № | Маҳсулот номи | Ўлчов бирлиги | 2023 йил | 2024 йил | Ўзгариш |
| 1 | Парвозлар сони | та | 32 333 | 45 307 | 140,1 % |
| 2. | Ташилган йўловчилар сони | минг та | 5 021 | 6 207 | 123,6 % |
| 3. | Ташилган юклар хажми | минг тонна | 48,6 | 66,6 | 137,1 % |

| 4. | Ҳисобот йилида рўй берган воқеалар, шу жумладан: | |
|---|---|---|
| | **асосий фаолиятда** *(ишлаб чиқариш/ хизмат кўрсатиш, амалдаги ва келгуси лойиҳалар)* | Тошкентдан Гоа, Мумбай, Нячанг ва Фукуок каби йўналишлар очилди.<br>2 та A320neo, 2 та ATR72-600, 1 та Airbus A330 ва 1 та Let 410 ҳаво кемалари лизинги бўйича шартномалар тузилди. |
| | **корпоратив бошқарув йўналишида** | Жамият Кузатув кенгашининг янги таркиби сайланди ва 2 та хорижий мутаҳассислар мустақил аъзо сифатида жалб қилинди. Кузатув кенгаши қошида 4 та кўмита ва Коррупцияга қарши курашиш ички назорат хизмати ташкил этилди. Ҳисобот йилида Жамиятнинг янги таҳрирдаги Устави қабул қилинди |

| | | |
|---|---|---|
| | **ижтимоий йўналишда** | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 06.03.2025 йилдаги “Маҳаллаларда томорқалардан самарали фойдаланиш орқали аҳоли бандлигини ва даромадларини оширишга қаратилган ишларни янада жадаллаштириш тўғрисида”ги Ф-18-сон Фармойиши бўйича Қарши шаҳрининг бир қатор маҳаллалардаги аҳолига ҳомийлик ёрдами кўрсатилмоқда.<br>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 23.09.2024 йилдаги ««Камбағалликдан фаровонлик сари» дастурини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-330-сон Қарорига мувофиқ Жамиятга Қамаши туманининг бир қатор маҳаллаларидаги камбағал фуқаролар ҳомийлиги бириктирилган. |
| | **қўлга киритилган ютуқлар** | Кредит рейтинг олиш бўйича Fitch Ratings компанияси билан шартнома тузилган ва тегишли ишлар олиб борилмоқда. |

# “ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР МАРКАЗИЙ ДЕПОЗИТАРИЙСИ” АЖ

| 1. | **Корхона тўғрисидаги маълумотлар** | |
|---|---|---|
| | Корхона логотипи: | |
| | Ташкил қилинган йили: | 22.09.2023 йил |
| | Жойлашган манзили: | Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳкўчаси, 107-уй |
| | Веб-сайт манзили: | uzcsd.uz |
| | Устав фонди: | 26,97 млрд.сўм |
| | Давлат улуши: | 100% |
| | Фаолият тури: | депо ҳисобварақлари бўйича қимматли қоғозларни сақлаш, уларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиш ва қимматли қоғозлар ягона тизимини таъминлаш |
| | Ходимлар сони: | 42 |
| | Эркаклар/аёллар сони | 23 нафар эркак ва 19 нафар аёл |
| | Кузатув кенгаши раиси: | Адилов Алимардон Абдуразакович |
| | Ижроия органи раҳбари: | Абдужаббаров Шерали Янгибаевич |

| 2. | **Молиявий кўрсаткичлар (млн. сўмда)** | **2023 й.** | **2024 й.** |
|---|---|---|---|
| | Жами даромад | 68 534,7 | 39 509,8 |
| | Харажатлар | 63 138,0 | 37 282,1 |
| | Солиқ тўлангунга қадар фойда | 5 396,7 | 2 227,7 |
| | Соф фойда | 4 426,9 | 1 783,0 |
| | Бир дона акцияга даромад | 0,000198 | 0,000066 |
| | Жами активлар | 30 517,5 | 31 799,8 |







| 3. | **Ишлаб чиқариш/хизматлар кўрсаткичлари** | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| № | Маҳсулот/хизмат | Ўлчов бирлиги | 2023 йил | 2024 йил | Ўзгариш |
| 1. | Депозитар хизматлар | млн.сўм | 67 271,5 | 35 592,2 | -31 679,3 |
| | Шу жумладан, биржадан ташқари битимлар бўйича ЯДТК хизмати | млн.сўм | 47 094,4 | 16 791,4 | -30 303,0 |
| 2. | Маслаҳат хизматлари | млн.сўм | 169,1 | 196,4 | 27,3 |

| | | |
|---|---|---|
| 4. | **Ҳисобот йилида рўй берган воқеалар, шу жумладан:** | |
| | **асосий фаолиятда** | 2025 йил 01 январдаги ҳолатга кўра, Марказий депозитарийда 688 акциядорлик жамиятининг 214 700,1 млрд.сўм умумий номинал қийматга эга 23 784,3 млрд.дона акция чиқарилишлари ҳисоби юритилади.<br><br>Марказий депозитарийда шунингдек, 42 эмитент томонидан чиқарилган 1 936,2 млрд.сўм умумий миқдорга эга 170,4 млн.дона корпоратив облигациялар ҳисоби юритилади. 964,0 млрд.сўм умумий миқдорга эга 1,7 млн.дона корпоратив облигациялар 35 МЧЖ томонидан чиқарилган.<br><br>01.01.2025 йилдаги ҳолатга кўра, 261 та акциядорлик жамиятидаги давлат улуши 171 604,8 млрд. сўмни ташкил этди. 2024 йил давомида устав фондида давлат улуши мавжуд бўлган акциядорлик жамиятлари сони 22 тага, мавжуд давлат улуши ҳажми эса 13 388,3 млрд. сўмга ортди.<br><br>2024 йил давомида Марказий депозитарийда жами 209 та, шу жумладан 74 – бирламчи, 100 - қўшимча қимматли қоғозлар чиқарилишлари, 12 та капиталлаштириш бўйича қўшимча акция чиқарилишлари, 22 та корпоратив облигация чиқарилишлари ва майдалаш муносабати билан 1 та чиқарилиш ҳисобга олинди.<br><br>2024 йил давомида Марказий депозитарий томонидан акциядорлар умумий йиғилишларини ўтказиш, шунингдек бошқа корпоратив ҳаракатлар бўйича 2 976 та реестр шакллантирилди.<br><br>725 маҳаллий эмитентнинг 1045 турдаги қимматли қоғозларига халқаро кодлар берилди.<br><br>Марказий депозитарий, шунингдек 56 инвестиция воситачилари, 1 чет эллик номинал сақловчи ва уларнинг мижозларининг қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқлари ҳисобини юритади.<br><br>01.01.2025 йил ҳолатига кўра, инвестиция воситачиларининг депо ҳисобварақларини очган мижозлари сони 712,02 мингтани, шу жумладан 57,94 мингта юридик ва 654,08 мингта жисмоний шахсларни ташкил этди.<br><br>Инвестиция воситачилари томонидан ҳисоби юритиладиган қимматли қоғозларнинг умумий ҳажми номинал қиймати бўйича: 28 924,0 млрд. сўм миқдордаги 11 482,8 млрд. дона акцияни ва 1 688,7 млрд. сўм миқдордаги 170,2 млн. дона корпоратив облигацияни ташкил этди.<br><br>Марказий депозитарий томонидан 2024 йилда 21 085,7 млрд. сўм миқдордаги 160,1 млрд. дона қимматли |

| | | |
|---|---|---|
| | | қоғозлар бўйича 172 та биржадан ташқари битимлар рўйхатга олинди.<br><br>Депонентларнинг ягона базаси 01.01.2025 йил ҳолатига 835 771 тани, шу жумладан 772 450 та жисмоний шахсни ва 63 321та юридик шахсни ташкил этди.<br><br>2024 йил давомида эса 23 та АЖ акциядорларининг 69 та йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишлари “Электрон овоз бериш - e-VOTE” хизматидан фойдаланган ҳолда, масофавий тарзда ўтказилди. Шунингдек, 9 акциядорлик жамиятларига корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш бўйича хизматлар кўрсатилди.<br><br>2024 йилда Марказий депозитарий томонидан “Капитал бозорини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-291-сон қарорида белгиланган вазифаларни бажариш бўйича ишлар давом эттирилди.<br><br>2024 йил 29 мартда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида “Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси” АЖнинг вакиллик ҳисобварағи очилди.<br><br>2024 йил 1 июлдан бошлаб, Марказий депозитарийда давлат қимматли қоғозларининг ҳисоби юритилиши таъминланди.<br><br>Марказий депозитарий банклараро тўлов тизими иштирокчисига киритилди ва автоматлашитирлаган банк тизими (АБТ) орқали, корпоратив қимматли қоғозлар бўйича пул маблағларидаги ҳисоб-китобларни амалга оширмоқда.<br><br>Марказий депозитарий “Банк-мижоз”, “UzCSD мобил илова” сервислари, давлат органлари электрон базалари билан интеграция, KYC/AML/CFT жараёнларини ўтказиш имкониятларига эга бўлди.<br><br>Марказий депозитарийда “Clearstream” мижози “Bank of Georgia”учун чет эллик номинал сақловчи ҳисобварағи очилди, шунингдек “OTPBank” (Венгрия) учун чет эллик номинал сақловчи ҳисобварағини очиш бўйича музокаралар ўтказилди. |
| | **корпоратив бошқарув йўналишида** | 2024 йил давомида Марказий депозитарийнинг ягона акциядори томонидан 6 та (Марказий депозитарийнинг ташкилий тузилмаси, Устави (2 марта янги таҳрирда), Кузатув кенгаши тўғрисидаги, Ижроия органига ҳақ тўлаш тартиби тўғрисидаги низомлари, 2024-2028 йилларга мўлжалланган ривожланиш стратегияси) корпоратив хужжат қабул қилинди, Кузатув кенгаши томонидан 10 та (Стратегия ва инвестициялар, Аудит ва таваккалчиликларни |

| | | |
|---|---|---|
| | | бошқариш, Тайинловлар ва ҳақ тўлаш, Коррупцияга қарши курашиш ва этика қўмиталарининг низомлари, Коррупцияга қарши курашиш сиёсати, Кадрлар сиёсати, Ҳисоб сиёсати, Тариф сиёсати, 2025 йилга Бизнес-режа, Марказий депозитарий ходимларига иш ҳақи тўлаш, уларнинг меҳнатини моддий рағбатлантириш ва бошқа тўловларни тўлаш тўғрисидаги Низом) корпоратив хужжат қабул қилинди.<br>Кузатув кенгаши ҳузурида Стратегия ва инвестициялар қўмитаси, Аудит ва таваккалчиликларни бошқариш қўмитаси, Тайинловлар ва ҳақ тўлаш қўмитаси, Коррупцияга қарши курашиш ва этика қўмитаси ташкил қилинди ва уларнинг низомлари ишлаб чиқилиб тасдиқланган.<br>2024 йил давомида ягона акциядорнинг 5 та қарори қабул қилинди.<br>Кузатув кенгашининг 17 та мажлиси бўлиб ўтди ва 36 та масала кўриб чиқилди. |
| | **ижтимоий йўналишда** | Марказий депозитарий ходимларини ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, жамият касаба уюшмаси қўмитаси томонидан ташкилот ходимлари учун санаторий ва дам олиш масканларида соғломлаштириш ишлари ташкил этилган.Жамият ходимларининг болаларига болалар дам олиш оромгоҳларига йўлланмалар берилди . Шунингдек, жамоа руҳини мустаҳкамлаш мақсадида йил давомида турли маданий тадбирлар ўтказилди. Касаба уюшмаси қўмитаси томонидан Марказий депозитарийда кўп йиллар давомида ишлаб нафақага чиққан собиқ ходимларига “Хотира ва қадрлаш” кунига озиқ-овқат тўпламлари берилди.<br>Марказий депозитарий ходимлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. |
| | **қўлга киритилган ютуқлар** *(масалан, кредит рейтинглар, ISO, унвонлар ва ҳк)* | Марказий депозитарий томонидан 2024 йилда рейтинглар, ISO, унвонлар ва ҳк олинмаган. |

# “ЎЗАГРОЛИЗИНГ” АЖ

| 1. | Корхона тўғрисидаги маълумотлар | |
|---|---|---|
| | Корхона логотипи: | O'ZAGROLIZING |
| | Ташкил қилинган йили: | 1999 йил |
| | Жойлашган манзили: | Ўзбекистон, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 42А-уй |
| | Веб-сайт манзили: | https://uzal.uz/ |
| | Устав фонди: | 391.4 млрд. сўм |
| | Давлат улуши: | 97,5% |
| | Фаолият тури: | Молиявий лизинг хизмати |
| | Ходимлар сони: | 297 |
| | Эркаклар/аёллар сони | 267 нафар эркак ва 30 нафар аёл |
| | Кузатув кенгаши раиси: | Шадманкулов Шерзод Аблакулович |
| | Ижроия органи раҳбари: | Отажонов Нодир Собирович |

| 2. | Молиявий кўрсаткичлар (млн. сўмда) | 2023 й. | 2024 й. |
|---|---|---|---|
| | Жами даромад | 225 636,10 | 348 202,50 |
| | Харажатлар | 210 280,40 | 328 138,80 |
| | Солиқ тўлангунга қадар фойда | 18 130,60 | 23 982,50 |
| | Соф фойда | 15 355,70 | 20 063,70 |
| | Бир дона акцияга даромад | 50,70 | - |
| | Жами активлар | 1 818 160,00 | 4 424 912,50 |







| 3. | Ишлаб чиқариш/хизматлар кўрсаткичлари | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| № | Маҳсулот/хизмат | Ўлчов бирлиги | 2023 йил | 2024 йил | Ўзгариш |
| 1 | Қишлоқ хўжалиги техникалари лизинги | дона | 2 232 | 7 939 | 5 707 |

| 4. | Ҳисобот йилида рўй берган воқеалар, шу жумладан: | |
|---|---|---|
| | **асосий фаолиятда** | 2024 йил 20 февралдаги “Қишлоқ хўжалиги техникаларини харид қилишни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари |

| | | |
|---|---|---|
| | | тўғрисида"ги ПҚ–78-сон қарор билан катта имкониятлар яратилди.<br>**Биринчидан,** Халқаро молия институтларидан узоқ муддатли, паст фоизли маблағлар жалб қилишга имкониятлар очилди.<br>**Иккинчидан,** "Ўзагролизинг" АЖ устав фонди 2023 йилда **286 миллиард сўмга** оширишга эришлди.<br>**Учичидан, 235,5 миллион АҚШ долларини** жалб этиш орқали қишлоқ хўжалиги корхоналарига **7,9 минг** донадан ортиқ замонавий қишлоқ хўжалиги техникаси, шу жумладан **436 та** пахта териш комбайнлари **етказиб бериш имконияти яратилди.**<br>**Тўртинчидан,** Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан "Ўзагролизинг" АЖга ажратилган **100 миллион АҚШ** доллари ҳисобидан қишлоқ хўжалиги корхоналарига **2 мингдан ортиқ** қишлоқ хўжалиги техникаси ва агрегатлари, шу жумладан **325 та** пахта териш комбайнлар етказиб беришга эришилди.<br>**2024 йилда Жамият** томонидан агрокластер ва фермерларнинг техника таъминотини яхшилаш мақсадида қиймати **2 950,6 млрд** сўмлик **7 939 дона** замонавий техника ва агрегатлари лизинг асосида етказиб берилди.<br>***Маълумот учун:*** *Қорақалпоғистон Республикаси* ***820 та****, Андижон вилояти* ***406 та,*** *Бухоро* ***466 та****, Жиззах* ***492 та****, Қашқадарё* ***663 та****, Навоий* ***373 та****, Наманган* ***651 та****, Самарқанда* ***579 та****, Сурхондарё* ***1140 та****, Сирдарё* ***449 та****, Тошкент* ***544 та****, Фарғона* ***867 та****, Хоразм* ***489 та****.*<br>Шунингдек, 2024 йилда Сайхунобод тажрибаси асосида **300 дона мини трактор, чизел культиватор, мини плуг** ва **250 дона мотокултиваторлар** талабгорлар орқали маҳаллаларга лизинг асосида етказилди.<br>Сайхунобод туман аҳолисига маҳалла фуқаролар йиғинлари орқали **19 дона** мини-тракторлар, **19 та** мини-омочлар ва **20 дона** мото-культиваторлар лизинг асосида етказиб берилди.<br>Қарор ижроси доирасида, лазерли ер текислагичлар етказиб беришда алоҳида эътибор қаратиш жоизки, "Агробанк" АТБ билан ҳамкорликда жами **1 500 донадан ортиқ** лазерли ер текислагичлар етказиб берилди. Хусусан, банк кредити орқали **1 200 дона** ва лизинг асосида **300 дона** лазерли ер текислагичлар қишлоқ хўжалиги корхоналарига етказилди.<br>Шу билан бирга, етказиб берилган техникаларнинг маҳаллийлаштириш даражасини оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Бу йўналишда, хусусий корхоналар билан бир қаторда **"Урганчкорммаш"** |

| | | |
|---|---|---|
| | | **АЖ, “Агрихим” МЧЖ, “Ред Атлант” МЧЖ, “Қибрай Агрипартс” МЧЖ** ва **“ЗКТ Завод” МЧЖ** каби маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналар билан ҳамкорлик йўлга қўйилди.<br>Жумладан, 2024 йилда қишлоқ хўжалиги техникалари хариди учун жами **235,5 млн доллар** ўзлаштирилди:<br>– **74 млн доллар** – Жаҳон банки маблағлари;<br>– **91,7 млн доллар** – Ўзбекистон тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари;<br>– **64 млн доллар** – Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги маблағлари;<br>– **5,8 млн доллар** – Тижорат банки маблағлари.<br>Бунда, “Ўзагролизинг” АЖнинг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги лойиҳаларда иштироки ва маблағларни ўзлаштиришдаги фаоллиги Халқаро молия институтлари томонидан юқори баҳоланди.<br>Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан ҳамкорликда **Жаҳон банки** кредит линиясидан **пахта териш машиналари харидини молиялаштиришга** рухсат олишга эришилди.<br>**2024 йил** давомида барча манбаалар ҳисобидан **756,3 млрд** сўм, шундан пахта ва ғалла имтиёзли кредит ва якуний ҳисоб-китобидан **463,8 млрд** сўм, эркин маблағлар ҳисобидан **292,5 млрд** сўм лизинг тўловлари ундирилди.<br>2025 йилнинг 1 январ ҳолатига лизинг портфели 3 трлн. 533 млрд. сўмни ташкил этди. Ўтган йилнинг мос даврида эса бу кўрсаткич 1 трлн. 527 млрд. сўмни ташкил этиб, 2 трлн. 5 млрд. сўмга ўсди, ёки 2.3 баробарга ортди. **2025** йилдаги режаларимизни ҳам белгилаб олганмиз.<br>Жорий йил 12 декабрь куни қабул қилинган **“Қишлоқ хўжалигини механизациялаш даражасини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги **ПҚ-431-сон** қарори “Ўзагролизинг” АЖ олдига янги вазифаларни белгилаб берилди.<br>- 2025 йилда қишлоқ хўжалиги техникаси харидини молиялаштириш учун **аввал халқаро молия ташкилотларидан жалб қилинган** ва ҳозирда **фойдаланилмасдан турган** жами **118,5 млн доллар** йўналтириш;<br>- 2025 йилда харид қилинадиган пахта териш машиналари, лазерли ер текислагичлар, аниқ доналаб экувчи кўп функцияли чигит экиш сеялкаларини харид қиладиган талабгорлар рўйхатини шакллантириш, етказиб берувчилар билан шартномалар тузиш ва бўнак маблағларини шакллантириш; |

| | | |
|---|---|---|
| | | - Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси томонидан қишлоқ хўжалиги техникаларини харид қилиш бўйича тақдим этадиган **ДАВЛАТ РЕЕСТРИГА** киритилган маҳаллий ишлаб чиқарувчи ва техника етказиб берувчилар билан лизингга харид қилинадиган техникалар бўйича **олди-сотди шартномалари** тузиш белгиланди.<br>Шунингдек, Муҳтарам президентимиз томонидан жорий йил 19 февраль куни имзоланган **ПҚ-67-сон** қарори "Ўзагролизинг" АЖ катта имкониятлар эшигини очишга эришилди.<br>**Жумладан:**<br>- Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари томонидан "Ўзагролизинг" АЖга ажратилган **100 миллион АҚШ доллари** миқдоридаги қарз маблағларининг **50 миллион АҚШ долларини** "Ўзагролизинг" АЖнинг устав капиталини оширишга қайта йўналтириш ва **50 миллион АҚШ долларини** субординар қарз сифатида қайта расмийлаштиришга рухсат берилди.<br>- Жорий йилда 800 дона завонвайи пахта териш машиналари лизинг асосида етказиб бериш топшириғи берилиб, бунда **комбайнларни харид қилиш бўйича музокаралар олиб борувчи ишчи гуруҳи таркиби** тақдиқланди.<br>Мазкур **ишчи гуруҳи таркиби аник бажариладиган вазифалар** кўрсатилган.<br>Шу билан бирга "Ўзагролизинг" АЖга маҳаллаларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёнларига қишлоқ хўжалиги техникалари етказиб беришни таъминлаш мақсадида, устав капиталини оширишга йўналтирилган маблағлар ҳисобидан **164 та** қишлоқ туманларининг **4 тадан** маҳалласи тадбиркорларини аҳоли томорқасига хизмат кўрсатувчи минитехникаларни лизингга етказиш белгилаб берилди.<br>Бундан ташқари мазкур қарор билан тегишли вазирлик ва идораларга аниқ топшириқлар юклатилган.<br>"Ўзагролизинг" АЖ томонидан Республиканинг барча қишлоқ хўжалиги туманларига сифатли сервис хизматлари кўрсатиш мақсадида **1 донадан "Мобиль механизация ва хизмат кўрсатиш автомашиналари"** лизингга етказиб бериш тизими йўлга қўйилди.<br>2023 йил 21 июндаги "Ўзагролизинг" АЖ фаолиятини янада такомиллаштиришнинг қўшимча |

| | | |
|---|---|---|
| | | чора-тадбирлари тўғрисида"ги **ПҚ-198-сон** қарорига асосан:<br>**1.** Хорижий инжиниринг компанияларини жалб қилган ҳолда Наманган вилояти Поп туманида **замонавий иссиқхона комплекслари ва шаҳарчаларини барпо қилиб, тайёр ҳолда, аҳолига** лизинг асосида, имтиёзли шартларда бериш лойиҳаси ишлаб чиқилди.<br>*Маълумот учун: Голландия ва Туркия тажрибалари асосида* ***геотермал энергиядан*** *фойдаланиб, бир вақтнинг ўзида* ***3 хил*** *маҳсулот (балиқ, лимон, резавор ва сабзавотлар) етиштиришга мўлжалланган* ***замонавий иссиқхона билан жиҳозланган ақлли хонадонларни қуриш ва аҳолига лизинг асосида 10 йилга*** *берилади.*<br>**2.** Мева-сабзавотларни қайта ишлаш бўйича **Германиянинг "ACCEDERE"** ва **Хитойнинг** йирик **"TCA"** компаниялари билан қўшма лойиҳа тайёрлаш ишлари ташкил этилди.<br>Бугунги кунда лизингга етказиб бериладиган техникаларни (пахта териш машиналари, лазерли ер текислагичлар, аниқ экувчи пневматик сеялкалар ва бошқалар) фермер, кластер ва бошқа қишлок хўжалиги корхоналарига **техникаларни намойиш этиш, кўргазмали семинарлар ташкил этиш** ва яратилган **имкониятларни тарғиб қилиш** бўйича тизимли ишлар ташкил этилди. |
| | **корпоратив бошқарув йўналишида** | "Ўзагролизинг" АЖда корпоратив бошқарувга оид қарорлар ваколатлар даражасида ўз муддатларида кўриб борилади. Жумладан Бошқарув аъзоларини сайлаш, Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш, Чорак якунлари бўйича бошқарув раиси ҳамда ички аудит хизмати ҳисоботларини кўриб чиқиш, Йил якунлари бўйича акциядорлар умумий йиғилиши кун тартибига киритилган масалаларни кўриб чиқиш ва уни чақиришни тасдиқлаш, Жамият томонидан киритилган инвестиция маблағларини муҳокамаси, Кузатув кенгаши раисини сайлаш, Ҳомийлик масаласини кўриб чиқиш, Кейинги йил учун бизнес-режани тасдиқлаш, ички аудит хизмати иш-режаси ва харажатлар йиллик сметасини тасдиқлаш каби масалалар кўриб чиқилиб ижобий қарор қилинган. |
| | **экологик йўналишда** | ESG тизимини жорий этиш устида амалий ишлар бошлаб юборилган. 2026-2027 йилларда жорий этиш белгиланган. "Ўзагролизинг" АЖ молиявий хизматлар кўрсатгани учун атроф муҳитга салбий таъсири энг минимал даражада ҳисобланади.<br>Оҳирги 2 йилда "Ўзагролизинг" АЖ томонидан 11800 туп манзарали ва мевали дарахтлар яшил макон дастури доирасида экилди. Жумладан 6535 туп мевали дарахтлардан экилди. 1006 туп узум, |

| | | |
|---|---|---|
| | | 4322 туп тут, 322 туп ўрик, 306 туп олма, 231 туп шафтоли, 100 туп олхўри, 142 туп бодом, 56 туп олча, 15 тупдан нок, гилос, хурмо ва беҳи кўчатлари экилди. 5345 туп манзарали дарахтлар ҳам экилди. Жумладан, 1000 туп павлония, 2475 туп терак, 560 туп виола, 183 туп қайрағоч, 83 тупдан заранг, софора, қарағай, 29 туп япон сафораси, 5 туп чинор экилди. |
| | **ижтимоий йўналишда** | **2024 йил давомида** жами **50 нафар** ходимлар турли йўналишларда билим ва малакаларини оширдилар.<br>Лизингга олинган замонавий қишлоқ хўжалиги техникаларидан самарали фойдаланиш, сифатли сервис хизматларини кўрсатишни ташкил этиш мақсадида 9 та вилоят филиали раҳбар ходимлари **Хитой Халқ Республикаси**да билим ва малакаларини ошириб келдилар. Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Сурхондарё ва Тошкент вилояти қишлоқ хўжалиги корхоналари ходимларининг билим ва малакаларини ошириш учун **Чехия Республикаси Прага шаҳри**га ҳамда Тошкент ва Наманган вилоят филиали ходимлари Озарбайжон Республикаси Боку шаҳрига хизмат сафарига юборилди. Жумладан, Жамиятнинг 11 нафар раҳбар ходимлари Германия Федератив Республикаси, Буюк Британия, Италия ва Россия Федератив Республикаларида билим ва малакаларини ошириб келдилар.<br>Ҳафтанинг ҳар жума кунида Республика Маънавият ва маърифат маркази томонидан энг муҳим ва долзарб мавзуларда ҳақида маълумот бериб борувчи “Сиёсий - маърифат соати”ни, шунингдек кунлик “Кун ҳикмати”, “Билимингизни синаб кўринг”, “Тил борки миллат бор” каби рукнларни Жамиятнинг Телеграм гуруҳида мунтазам равишда жойлаб борилмоқда. |
| | **қўлга киритилган ютуқлар** | Ҳозирда S&P халқаро рейтинг ташкилоти билан кредит рейтинги олиш юзасидан музокаралар олиб борилмоқда. Мутахассислари келиб ўрганиб кетишди. Ҳисобот тайёрланиб кредит рейтинги олиш мўлжалланмоқда. |

# “ТОШШАҲАРТРАНСХИЗМАТ” АЖ

| 1. | **Корхона тўғрисидаги маълумотлар** | |
|---|---|---|
| | Корхона логотипи: | |
| | Ташкил қилинган йили: | 2013 йил (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 9 октябрдаги ПҚ-2048-сон қарори) |
| | Жойлашган манзили: | 100000, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Амир Темур 1-тор кўчаси, 6-уй |
| | Веб-сайт манзили: | https://tashbus.uz/ |
| | Устав фонди: | 154 060 626 000 сўм |
| | Давлат улуши: | “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ устав капиталидаги 75 фоиз улуш давлатга тегишли. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 18 августдаги ПҚ-283-сон қарорига асосан Иқтисодиёт ва молия вазирлиги давлат улуши бўйича акциядор ҳуқуқларини амалга оширади. |
| | Фаолият тури: | Шаҳар ва шаҳар атрофида қатнайдиган қуруқликдаги йўловчи транспорти |
| | Ходимлар сони: | 5 655 нафар |
| | Эркаклар/аёллар сони | 5 228 нафар эркак ва 427 нафар аёл |
| | Кузатув кенгаши раиси: | Махкамов Илхом Рустамович |
| | Ижроия органи раҳбари: | Саттаров Санжар Садиқович |

| 2. | **Молиявий кўрсаткичлар (млн. сўмда)** | **2023 й.** | **2024 й.** |
|---|---|---|---|
| | Жами даромад | 951 950,2 | 1 807 140,8 |
| | Харажатлар | 1 131 736,7 | 1 806 641,6 |
| | Солиқ тўлангунга қадар фойда (зарар) | -179 786,5 | 499,2 |
| | Соф фойда | -179 786,5 | 424,3 |
| | Бир дона акцияга даромад (сўм) | 0.0 | 0,00275 |
| | Жами активлар | 3 914 761,9 | 2 789 527,9 |






| 3. | Ишлаб чиқариш/хизматлар кўрсаткичлари | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| № | Маҳсулот/хизмат | Ўлчов бирлиги | 2023 йил | 2024 йил | Ўзгариш |
| 1 | Йўловчи ташиш | млн.йўловчи | 241,7 | 325,1 | 83,4 |

| 4. | Ҳисобот йилида рўй берган воқеалар, шу жумладан: | |
|---|---|---|
| | **Асосий фаолиятда** | “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ 8 та автобус саройи филиалларининг ҳаракат таркибининг сони 1 847 тага етказилди, ҳаракат таркибининг ўртача ёши 3,8 йил ташкил қилади. Шу жумладан, ёқилғи тури бўйича дизель ёқилғисида 502 дона ёки 27,1 фоиз, сиқилган табиий газда 1 021 дона ёки 55,2 фоиз, электрэнергиясида 324 дона ёки 17,5 фоиз ташкил этиб, техник тайёргарлик коэффитсиенти (ТТК) - 0,779ни, паркдан фойдаланиш коэффитсиенти (ПФК) - 0,779ни ташкил этган. Жамоат транспортидан фойдаланиш даражаси 33 фоиз (2023 йилнинг шу даврида 21 фоиз). Жамият таркибидаги таъмирталаб ва таъмирлаш жараёнида автобуслар сони 233 та (12,6 фоиз)ни ташкил этиб, ҳозирда таъмирлаш жараёнида.<br>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 18 мартдаги “Жамоат транспортини молиялаштиришнинг янги тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 116-сон қарорига асосан “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ томонидан 2024 йилдан тўлиқ брутто-шартнома тизими асосида фаолият кўрсатиб келмоқда.<br>Шунингдек, 2024 йил якунига кўра брутто-шартнома тизими асосида 163 та йўналишларда бир кунда ўртача 1 550 та автобус ҳаракатланган ва жами 325,1 млн.йўловчи ташилишига эришилиб, 2023 йилнинг шу даврига нисбатан ўсиши (240,4 млн.йўловчи) 84,6 млн.йўловчи ёки 35,2 % ни ташкил этади.<br>Ҳисобот даврида брутто шартномаси бўйича жами даромад 1 807,1 млрд.сўмни, шу жумладан, брутто шартномаси бўйича бажарилган иш хажми 1 233,4 млрд.сўм, йўловчи ташишдан тушган тушум 546,1 млрд.сўм ҳамда бошқа даромадлар 27,7 млрд.сўмни ташкил этади.<br>2035 йилгача ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш бўйича техник топширик ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.<br>ОТБ билан PwC (катта тўртлик аудитори) иштирокида музокаралар ўтказилди. 2025 йил якунига қадар жамиятни 2035 йилгача ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш чоралари кўрилмоқда.<br>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 8-июлдаги “Тошкент шаҳар жамоат транспорти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора- |

| | | |
|---|---|---|
| | | тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-313-хдфу-сон ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024-йил 25-июлдаги “Жамоат транспортида хизматлар кўрсатиш сифатини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 454-хдфу-сон қарорларига мувофиқ “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ ҳаракат таркибини 200 дона катта сиғимли электробуслар ва улар учун қувватлаш ускуналари харид қилинмоқда. Электробусларни харид қилиш мақсадида Жамият Ягона акциядорининг 2024-йил 14-ноябрдаги 7-сон қарори тасдиқланиб, “Ўзсанатқурилишбанк” АТБ кредитини жалб қилиш ишлари олиб борилмоқда. “Yutong” компанияси (ХХР) билан 399,0 млн.юань миқдорида шартнома имзоланиб, 15% бўнак тўлов кредит ҳисобидан амалга оширилди. Автобусларни етказиб бериш муддати жорий йилнинг сентябрига мўлжалланган. |
| | **Корпоратив бошқарув йўналишида** | Жамият Кузатув кенгашининг йиғилишлари 2024 йилда 5 маротаба ўтказилган ва жамиятни ривожлантириш бўйича бир қатор қарорлар қабул қилинган. Жамият ягона акциядори томонидан 8 та қарори қабул қилинган.<br><br>Жамият Кузатув кенгашининг 2024-йил 29-мартдаги мажлиси баёни билан “Коррупцияга қарши кураш сиёсати”, “Ахлоқ кодекси”, “Манфаатлар тўқнашувини бошқариш сиёсати”, “Қоидабузарликлар ҳақида хабардор қилиш сиёсати” тасдиқланди.<br><br>Жамият Ягона акциядорининг 2024-йил 20-июндаги 4-сон қарорига асосан Жамият Кузатув кенгаши аъзолари янги таркибда тасдиқланди. Кузатув кенгаши аъзолари сони 5 нафарни ташкил этиб, 2 нафари (40%) чет эллик мустақил аъзодир.<br><br>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024-йил 19-апрелдаги “Давлат иштирокидаги йирик корхоналарни трансформатсия қилиш ва хусусийлаштириш жараёнларини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-163-сон қарорига асосан, Жамият кузатув кенгашининг 2024-йил 1-октабрдаги мажлисида жамиятнинг Корпоратив котиби лавозими жорий этилиб, Корпоратив котиб тўғрисидаги Низом тасдиқланди. Шунингдек, Жамият Кузатув кенгаши қошида 4 та қўмита ташкил этилиб, мазкур қўмиталарнинг Низомлари ва аъзолари тасдиқланди. Булар “Тайинлаш ва рағбатлантириш бўйича қўмита”, “Стратегия ва инвестициялар бўйича қўмита”, “Аудит қўмитаси” ва “Этика ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси”.<br><br>“Тошшаҳартрансхизмат” АЖда 2023-йил якуни бўйича Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш ишлари олиб борилди ва жами 255 балл билан қониқарли баҳоланди. |

| | | |
|---|---|---|
| | | Янги иш ўринларини яратиш ва техник имкониятларини ошириш мақсадида қўшимча ишчи ўринлари яратилиб, 2024-йилда жами 1 670 нафар ходимлар ишга қабул қилинди.<br>Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 12.02.2024-й.даги 85-сон қарорига мувофиқ, аёлларга йўловчиларнинг сони 14 кишидан ортиқ бўлган автобусларни бошқариш бўйича меҳнат фаолиятини олиб бориш учун ҳуқуқий асос яратилди:<br>Эски нормаларнинг бекор қилиниши билан аёлларга қўшимча касб ва соҳаларда меҳнат фаолиятини олиб бориши учун ҳуқуқий асос мустаҳкамланди. Шунингдек, транспорт соҳасида гендер тенгликни таъминлаш ва катта сиғимли автобусларни (электробус) бошқаришга аёлларни жалб этиш имконияти яратилди.<br>Жамитяда бугунги кунда 2 нафар аёл ходимлар автобус хайдовчиси лавозида фаолият юритмоқда.<br>Тизимда аёл хайдовчилари сонини ошириш мақсадида, Осиё тараққиёт банки билан лойиҳа доирасида уларни “Д” тоифа хайдовчиликка текинга ўқитиш юзасидан аризалар қабул қилинмоқда, шунингдек уларга эркаклар билан бир ҳил шароитларни яратиш устидан ишлар олиб борилмоқда. |
| | **Экологик йўналишда** | “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ томонидан Жамиятнинг фаолиятини ривожлантириш, дунё стандартлари талабларига жавоб бериш, корпоратив бошқарув омиллари, шу жумладан, жамият ўз ходимлари, мижозлари ва у фаолият юритаётган жамоалар фаровонлигига қўшадиган ҳиссалари, экологик, ижтимоий ва корпоратив бошқарув соҳасини (ESG) ҳамда корпоратив ижтимоий масъулиятни такомиллаштириш (SCR) мақсадида Жамиятнинг 2024-йил 29-февралдаги “Жамиятда SCR ҳамда ESG ҳолати тўғрисидаги ҳисоботларини шакллантириш ҳамда жамоатчиликка ошкор этиш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги 55-сонли буйруғи тасдиқланди ва мазкур буйруққа мувофиқ “Йўл хатираси” ишлаб чиқилган.<br>“Тошшаҳартрансхизмат” АЖ корпоратив ижтимоий масъулият (SCR) ҳамда экологик, ижтимоий ва корпоратив бошқарув (ESG) соҳасида 2023-йил ва 2024-йил I чорагида амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботи Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тақдим этилган.<br>Шунингдек, жамиятнинг расмий https://tashbus.uz сайтида ESG бўлими очилиб, унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024-йил 21-февралдаги ПФ-37-сон фармони 23-бандига асосан Жамиятнинг 2023-йил якуни бўйича SCR ҳамда ESG ҳолати тўғрисида молиявий бўлмаган ҳисоботи жамоатчиликка презентация шаклида ошкор этилди.<br>Шу билан бир қаторда, “Тошшаҳартрансхизмат” АЖда ESG ни жорий қилиш ҳамда уни |

| | | |
|---|---|---|
| | | такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигида Франция Тараққиёт Агентлиги (ФТА) вакиллари билан хамкорликда, Жамиятни корпоратив самарадорлигини ошириш юзасидан ўрганиш олиб борилди. Тақдим этилган хулосалар асосида ҳамда ESGни жорий қилиш, техник ёрдам кўрсатиш ва уни амалга ошириш бўйича 2024-йил декабр ойида ФТА_билан учрашув бўлиб ўтди ҳамда “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ корпоратив бошқаруви “Йўл харитаси” ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.<br>Тошкент вилояти, Охангарон тумани худудидаги 6,4 га ер майдонига жами 10 300 дона манзарали кўчатлар экилди. |
| | **Ижтимоий йўналишда** | “Тошшахартрансхизмат” АЖ тизимидаги корхона ва ташкилотларда мехнатни мухофаза қилиш бўйича ишларни ташкил қилиш, ходимларга хавфсиз, қулай мехнат шароитларини яратиш ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ бахтсиз ходисаларни олдини олиш ишларини бажарилиши юзасидан 2023-2025 йилларда назоратни ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар режаси тасдикланиб ижрога киритилди.<br>“Тошшахартрансхизмат” АЖ корхона ва ташкилотларида ходимларни ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иш берувчининг ўз фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилинган.<br>“Тошшахартрансхизмат” АЖ тизими корхона ва ташкилотларида меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси бўйича маълумотлар ёритилган хамда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича илғор тажрибаларни ўрганиш, тарғиб қилиш ва татбиқ этиш мақсадида меҳнатни мухофаза қилиш бурчаклари ташкил<br>Шу билан бир қаторда, 2024-йил 18-март кунидаги ХБ-94-сон буйруғи билан Наврўз байрами муносабати билан 25 та “Мехнат фахрийси” унвони ва 26 та “Тошкент шаҳар йўловчи ташиш фахрий ходими” нишони берилди.<br>2024 йилда 95 та ходимларга 726,7 млн.сўм моддий ёрдам кўрсатилган. |
| | **Қўлга киритилган ютуқлар** | Жамиятнинг “2-автобус саройи” филиалида коррупция қарши бошқарув соҳасида ISO 37001:2016 халқаро стандарти асосида ўқиш ташкил этилиб, жами 13 та ходим мазкур стандар бўйича сертификатга эга бўлилар. |

# IV. ДАВЛАТ ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАРНИНГ БОШҚАРУВ ВА НАЗОРАТ ОРГАНЛАРИ

## 4.1. Акциядорлар (иштирокчилар, мулкдорлар) умумий йиғилиши натижалари

Давлат иштирокидаги корхоналарда **2024 йил якунлари бўйича 350 та** навбатдаги акциядор (иштирокчи)лар умумий йиғилишлари ўтказилган, шунингдек муассислар қарорлари қабул қилинган.

Йиғилишларда асосан давлат иштирокидаги корхоналарнинг йиллик ҳисоботлари, 2024 йилда олинган соф фойдани тақсимлаш, бошқарув органлари (кузатув кенгаши, ижроия органи)ни сайлаш ва/ёки амалдаги аъзоларнинг ваколатларини узайтириш, корхоналарнинг ички меъёрий ҳужжатларини кўриб чиқиш, корпоратив бошқарувнинг янгиланган қоидалари ва ахлоқ кодекси жорий этиш масалалари ва бошқа муҳим масалалар кўриб чиқилган.

## 4.2. Кузатув кенгаши таркиби

**2025 йил 1 июль** ҳолатига давлат улуши мавжуд **365 та** корхоналарда кузатув кенгашлари ташкил этилган. Уларда **1 930 та** аъзолик ўринлари мавжуд бўлиб, давлат улуши бўйича **1 274 нафар** номзодлар киритилган, шундан **141 нафари** мустақил аъзолар бўлса, қолган **432 нафар** давлат ташкилотлари ходимлари ҳисобланади.

Шунингдек, кузатув кенгаши таркибига **144 нафар аёл номзодлар** ***(7,5 фоиз)*** киритилган.

Ўз навбатида, Жаҳон банкининг “Институционал салоҳиятни ошириш IBL” лойиҳаси доирасида **38 та** давлат иштирокидаги йирик корхоналар кузатув кенгашлари таркибига халқаро тажрибага эга бўлган **79 та** мустақил аъзоларни жалб этиш, шунингдек кейинчалик давлат иштирокидаги корхоналарнинг бошқарувига киритиш учун **100 нафар** малакали ва салоҳиятли бошқарувчилар заҳирасини шакллантириш кўзда тутилган.

Мазкур лойиҳа доирасида **25 та** йирик давлат иштирокидаги корхоналарга **47 нафар халқаро тажрибага эга мустақил аъзолар** жалб этилди.

## 4.3. Ижроия органи тайинланиши ва таркиби

Давлат иштирокидаги барча корхоналарнинг бошқарув ва назорат органлари тўғрисидаги маълумотларни жойлаштириш ҳамда марказлашган ахборот алмашинувини йўлга қўйиш мақсадида

www.kpi.davaktiv.uz сайтининг корхона кабинетида бошқарув ва назорат органлари бўйича алоҳида бўлим очилиб, корхоналар томонидан тегишли маълумотлар киритиб борилади.

Мазкур веб-портал “Давлат мулки” ахборот тизими билан ўзаро боғланган бўлиб, веб-порталдаги маълумотлар автоматик тарзда умумлаштирилади ва таҳлил қилинади.

